

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“Миллий ғоя, маънавият асослари  
ва ҳуқуқ таълими” кафедраси**

**5111600 – “Миллий ғоя, маънавият асослари ва  
ҳуқуқ таълими” йўналиши 38-13 гуруҳ талабаси**

**Мухторов Каримбек Боймирза ўғлининг**

**ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ –  
МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ БОШ ХОМИЙСИ**

**мавзусида ёзган**

**БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Ҳимоя учун қабул қилинди:  
“Миллий ғоя, маънавият асослари  
ва ҳуқуқ таълими”  
кафедра мудири,  
доцент С.Исмоилов  
“ ” 2017 йил**

**Илмий раҳбар:  
“Миллий ғоя, маънавият асослари  
ва ҳуқуқ таълими” кафедраси  
катта ўқитувчиси М. Олимова  
“ ” 2017 йил**

**Гулистон - 2017**

**Мавзу: ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ –  
МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ БОШ ХОМИЙСИ**

**РЕЖА:**

|   |                   |
|---|-------------------|
| <b>КИРИШ.....</b>   | <b>3-8</b>        |
| <b>I-БОБ. ИСЛОМ КАРИМОВ ИНСОН МАЪНАВИЯТИНИ<br/>ШАКЛЛАНИШИДА АЖДОДЛАР МЕРОСИДАН<br/>САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА.</b> |                   |
| <b>1.1. Ислом Каримовнинг тарихий меросимиздан фойдаланиш<br/>тўғрисидаги фикрлари.....</b>                                     | <b>9-13</b>       |
| <b>I. 2. Ислом Каримов маънавият ва маърифатни юксалиши ҳақида..</b>  | <b>14-<br/>24</b> |
| <b>II-БОБ. БАРКАМОЛ АВЛОД ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ<br/>ПОЙДЕВОРИ.</b>  |                   |
| <b>2.1. Ёш авлод маънавий тарбияси-долзарб вазифа.....</b>  | <b>25-<br/>35</b> |
| <b>2.2. Ёшларни кенг дунёқараши, мустақил фикрлаш салоҳияти-шаҳс<br/>маънавиятининг муҳим мезони.....</b>                       | <b>36-47</b>      |
| <b>III-БОБ. ИСЛОМ КАРИМОВ МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ ИНСОННИ<br/>ТАРБИЯЛАШ ЗАМОН ТАЛАБИ ЭКАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА.</b>                          |                   |
| <b>3.1. Маънавий баркамол инсон тушунчаси, унинг моҳияти.....</b>   | <b>48-<br/>51</b> |
| <b>3.2. Комил инсон унинг шарқона фазилатлари.....</b>  | <b>52-56</b>      |
| <b>ХУЛОСА .....</b>   | <b>57-59</b>      |

|  |              |
|--|--------------|
| <b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b> | <b>60-62</b> |
| <b>Иловалар.....</b>                         | <b>63-65</b> |

## **КИРИШ**

**Мавзунинг долзарблиги.** Мустақиллик туфайли бизнинг маънавий кадриятларимиз, ўтмиш аجدодларимиз қолдирган мерос ўзининг бутун мукамаллигида, қайчиланмасдан, “Прогрессив-реакцион” аталмиш зўраки қолибларга тиқиштирилмасдан тиклана бошлади. Миллий ғоя ва мафкуранинг теран илдизлари мавжуд бўлиб фуқаролик жамиятини шаклланишида унинг маънавий жиҳатдан бой эканлиги Президент асарларида кенг мушоҳада қилинган. Мустақил миллий сиёсатни, иқтисодий қудратни ва халқ маънавиятини бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эканлиги, уларнинг ўзаро уйғун ривожланиши учун шароит яратилсагина, Ўзбекистон улуг юрт сифатида жаҳон хамжамиятида ўз муносиб ўрнини эгаллай олади.

Маълумки, инсон жамиятни таркибий қисми сифатида мавжуд экан унинг юксак идеалларини ўзида мужассам этган мулоҳазалар ҳозирги кунда аҳамиятлидир. «Айниқса, кўп асрлар мобайнида халқимиз қалбидан чуқур жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни, кадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлашда миллат маънавиятини қудратли омил бўлиб келганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз»<sup>1</sup>. Миллий маънавий кадриятларни тиклаш, уларни ўрганиш ва тарғиб қилиш, шахс маънавий маданияти ривожига қандай йўллар билан таъсир этишни тадқиқ этиш бугунги муҳим вазифалардан биридир. Шу нуқтаи назардан мазкур мавзунинг долзарблиги қуйидагиларда намоён бўлади:

**Биринчидан,** Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ислохотлар халқимиз маънавий маданияти ривожига кенг йўл очди ва бундан, айниқса, ёшлар баҳраманд бўлмоқдалар. Зеро,

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. 36-бет.

жамиятимизнинг келажаги бўлган ёш авлодни, хусусан, шахсни маънавий-ахлоқий жиҳатдан вояга етказиш мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб боришни талаб этади;

**Иккинчидан,** халқимиз босиб ўтган тарихий йўлда шаклланган миллий ва диний қадриятларга нисбатан жамиятимиз аъзоларида ҳурмат ва эътиқод туйғуларини камол топтириш мақсадида миллий-маънавий ва диний-руҳий меросимизнинг тарихий илдизларини ўрганиш ҳамда таҳлил этиш ва уларнинг шахс дунёқарашига таъсири даражасини кўрсатиш зарур;

**Учинчидан,** шахс маънавий маданияти шаклланишининг «биринчи ғишти» оилада қўйилишини ҳисобга олиб, бу жараёндаги объектив ва субъектив омилларни, янги ва ёш оилаларда миллий ҳамда исломий қадриятлардан фойдаланиш даражасининг мустақиллик шароитидаги талабларга мос келиши механизмини аниқлаш илмий изланишни тақозо этмоқда;

**Тўртинчидан,** тараққиётнинг асосий босқичларида шахс маънавий маданияти шаклланишининг турли қирралари олимларимиз томонидан тадқиқ қилинган. Аммо бу жараённинг ҳозирги маънавий-ахлоқий янгилашни шароитида шахсни комил инсон этиб тарбиялашдаги аҳамиятини илмий ишлаб чиқиш долзарб масала бўлиб қолмоқда;

**Бешинчидан,** мазкур мавзунини тадқиқ этишда кундалик ҳаётимизда миллий ва диний (исломий) қадриятларга нисбатан қизиқишнинг ортиб бориши бу қадриятлардан фойдаланишда диний илм ва маърифатнинг жаҳолатдан устун турадиган мазмун-моҳиятини ҳар бир шахс онгига сингдириш, айти вақтда ёшларни ақидапарастлик, диний экстремизм каби ғайрирасмий оқимлар таъсирига тушиб қолмайдиган, уларга қарши тура оладиган, мустақил фикрлаш қобилиятига эга кишиларни тарбиялаб, уларни халқимиз маънавий маданиятини юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшадиган қилиб камол топтириш йўллари илмий асослаш долзарб муаммолардан биридир;

**Олтинчидан**, бозор муносабатлари тамойилларини асос қилиб олган мамлакатимизда ҳамда глобаллашув жараёни кетаётган ҳозирги шароитда барча ижтимоий ҳодисалар қатори, шахс маънавий маданиятини миллий мафкура негизида шакллантиришга эҳтиёж сезилади. Зеро, маънавий маданият миллий мафкурасиз юксала олмайди. Яъни миллийлик, миллий муносабатлар, миллий ва исломий қадриятлар уйғунлиги ҳамда уларнинг шахс маънавий маданиятига таъсири миллий мафкура асосида амалга ошади.

Бундай миллий-маънавий маданиятга эга бўлган шахс ўзининг истиқболини мамлакат, халқ истиқболи билан уйғунлаштиради ва ўз ватани, халқига хизмат қилади. Шахс маънавий маданиятини айти шу омиллар асосида шакллантириш муҳим масалалардан биридир.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, шахс маънавий маданиятини шакллантиришга асос бўладиган миллий ва исломий қадриятларнинг таҳлилига эътибор қаратилди.

Шахс маънавияти масаласи жамият тараққиётининг илк даврларидан бошлаб, инсоният олдида турган муҳим йўналишлардан бўлган. Зеро, қадимги дунё файласуфларидан тортиб, ҳозирги давр тадқиқотчиларигача умуман инсоният тарбияси, хусусан, шахс камолоти ҳақида тадқиқотлар ўтказиб, бу масалага салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдалар. Қадимги хитой мутафаккури Конфуций, юнон файласуфлари Демокрит, Платон, Геродот, Аристотель ва бошқалар шахс камолоти жамият тараққиёти учун муҳим масала деб қараганлар. Жумладан, Аристотель нуқтаи назарига кўра жамият тараққиёти учун ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар қанчалик аҳамиятли бўлса, фуқароларнинг тарбияси ҳам ундан кам эмас Марказий Осиёлик алломалар Ибн Сино, А.Р.Беруний, А.Н.Форобий, Марғиноний, Имом Бухорий, Абу Абдурахмон Насоий, Ҳаким Термизий, Аҳмад Яссавий, Паҳлавон Маҳмуд, А.Навоий, XX аср бошларида Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғли, М.Беҳбудий, А.Фитрат, А.Авлоний, С.Айний ва бошқа

маънавият ва маърифат соҳиблари ёшлар онгига маърифат, маданият, миллий урф-одат, миллийлик хусусиятларини сингдиришга ҳаракат қилганлар.

Шахс маънавиятини шакллантириш масалалари жамият тараққиётининг барча босқичларида ўз аҳамиятини йўқотмаган. Мустақилликка эришилгандан сўнг ёшлар тарбияси, айниқса, комил инсонни шакллантириш масаласи муҳим тадқиқот объектига айланди. Ж.Туленов, Э.Юсупов, Х.Шайхова, Қ.Назаров,

С.Отамуратов, А.Очилдиев, А.Иброҳимов, Т.Раҳмонов, У.Қорабоев, М.Йўлдошев каби мамлакатимиз олимлари миллий маданий меросни маданиятнинг таркибий қисми сифатида таҳлил қилдилар.

Миллий ва умуминсоний кадриятларни ҳамда маданий мероснинг ёшлар ижтимоий қиёфасига, дунёқарашига таъсири масалаларининг айрим қирралари Э.Юнусова, А.Чориев, З.Қодирова, Ф.Мусаев, Ф.Атамурадова, Х.Аҳмедова, Ф.Йўлдошева, А.Эркаев, С.Жўраевларнинг илмий тадқиқотларида ўз ифодасини топган<sup>1</sup>.

Маънавий маданият муаммосини тадқиқ этиш ва унда миллий ҳамда исломий кадриятларнинг ўрни ва роли масаласи мамлакатимиз файласуф, жамиятшунос, исломшунос олимлари А.Абдусамедов, В.Алимасов, Ҳ.Алиқулов, А.Бегматов, И.Жабборов, З.Давронов, Н.Комилов, А.Қодиров, Т.Маҳмудов, И.Саифназаров, С.Шермуҳаммедов, М.Хайруллаев, И.Хўжамуродов, З.Хусниддинов, Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ, Ж.Яхшиликков ва бошқа олимларнинг илмий изланишларида муайян ўрин олган.

Маънавий маданият ва баркамол шахсни шакллантириш масаласи жуда кенг ва мураккаб муаммолардан бўлганлиги, айниқса, миллий ва ислом кадриятларининг шахс ижтимоий қиёфасига, унинг дунёқарашига

---

<sup>1</sup>Каримов И.А “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш провард мақсадимиз”, Т. Ўзбекистон 2000.

<sup>2</sup>Каримов И.А “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, Т.: Шарқ 1998 йил

таъсирининг турли қирраларини тадқиқ этишга қаратилган алоҳида илмий тадқиқотлар ҳам амалга оширилган.

З.Маркаев, Ф.Юлдошева, Н.Темирова, Б.Толиповлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотларда маънавий маданиятнинг тарихий тараққиётига, аجدодлар маданий меросининг аҳамияти эътибор қаратилган.

**Битирув малакавий ишнинг мақсади.** Ислом Каримовасарларини ўрганишда шахс маънавий маданиятини шакллантириш, миллий ва уммуминсоний қадриятларнинг ўрнини ижтимоий фалсафий таҳлил қилишдан иборат.

**Битирув малакавий ишнинг вазифалари:**

- Маънавий маданият тушунчаси ва унинг инсон камолотидаги ғоявий, тарбиявий аҳамияти таҳлил этиш;

- Шахс маънавий маданиятнинг шаклланишига маънавий-маданий мероснинг ўрнини илмий асослаш;

- Маънавий маданиятнинг шаклланишида миллий урф-одатлар ва қадриятларнинг ўрни аниқлаш;

- Шахс маънавий маданиятини шакллантиришда миллий ва диний қадриятларнинг уйғунлиги кўрсатиш;

- Комил инсон тарбиясида шахс маънавий маданиятининг ахлоқий ва ҳуқуқий моҳиятини очиш;

- Ахборот майдони глобаллашувининг шахс маънавий маданияти шаклланишига таъсирини тадқиқ этишдан иборат.

**Битирув малакавий ишнинг объекти:** Шахс маънавий маданиятини шакллантириш ижтимоий, маънавий, ғоявий-мафкуравий жиҳатдан таҳлил қилиш.

Илмий билишнинг объективлик, ворисийлик, тарихийлик ва мантиқийлик, қиёсий ва тизимли таҳлил каби методларига таянилди.

Шунингдек, Президент Ислом Каримовнинг муаммога оид фикрлари, назарий хулосалари, мамлакатимиз олимларининг монографиялари,

халқаро ва республика илмий-назарий анжуманлар материаллари, маънавий маданиятга алоқадор илмий тадқиқотлар назарий асос сифатида хизмат қилди.

#### **Битирув малакавий ишнинг янгилиги:**

-шахс маънавий маданияти шаклланишининг ижтимоий-тарихий, фалсафий, диний ва ахлоқий илдизлари илмий асосланган;

-“шахс маънавияти”, “миллий ва диний қадриятлар”, “исломий қадриятлар” ҳақидаги фикр ва қарашлар ўрганилиб, қиёсий таҳлил қилинди;

-шахс дунёқараши шаклланишида оила ва ундаги муҳити ҳамда тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган;

-тараққиётнинг асосий босқичларида шахс маънавий маданиятини шакллантирувчи омиллар ёритилган;

-миллий менталитетимиз асосида шахс маънавий маданиятини шакллантиришда манфаат, эҳтиёж ҳамда исломий қадриятларнинг ўзаро таъсири асослаб берилган.

#### **Битирув малакавий иш натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:**

Ишда баён этилган мулоҳазалар ва назарий хулосалар маънавий маданият такомиллида миллий ҳамда исломий қадриятлар таъсирини тизимли ўрганишда қўл келади. Бу жараённинг таҳлили натижасида олинган илмий-фалсафий умумлашмалар, қоидалар миллий ғоя, ижтимоий фалсафа, маънавият асослари, маданиятшунослик ва диншунослик ҳамда “миллий ғоя, ҳуқуқ ва маънавият асослари” таълим йўналиши мутахассислик фанлари блокига тегишли фанларни ўқитишда уларнинг категориялари мазмунимоҳиятини очиб беришда амалий аҳамият касб этади.

**Битирув малакавий ишнинг тузилиши ва ҳажми.** Малакавий иш “Кириш”, учта боб, олти параграф, “хулоса” ва “фойдаланилган адабиётлар” рўйхатидан иборат.



**1-БОБ. ИСЛОМ КАРИМОВ ИНСОН МАЪНАВИЯТИНИ  
ШАКЛЛАНИШИДА АЖДОДЛАР МЕРОСИДАН САМАРАЛИ  
ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА.**

**1.1 И.Каримовнинг тарихий меросимиздан фойдаланиш тўғрисидаги  
фикрлари.**

Узоқ ва бой тарихга эга бўлган Марказий Осиё халқлари ўзининг таълим–тарбияга оид бой меросини яратиб, такомиллаштириб, инсониятнинг авлодларини инсонпарварлик, илмпарварлик, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик, дўстлик, сахийлик каби умуминсоний фазилатлар руҳида тарбиялаб келган. Халқимиз яратган маърифий фикр сарчашмалари қадим-қадимларга бориб тақалади. Лекин мустақилликка эришгунимизга қадар биз бу меросларнинг баридан бебаҳра эдик. Истиқлолимиз шарофати билан миллий-маданий меросимиз, қадриятларимиз, маънавиятимизни ўрганиш ва уни янада юксалтириш учун имкониятлар юзага келди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек: «Мамлакатимизни истиқлол йўлидаги биринчи қадамлариданок, буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқариш мақсадига катта аҳамият бериб келинмоқда».

Бу эса қадимий бой маънавий меросимизнинг қимматли манбаларини, бебаҳо хазинамизни юзага олиб чиқиш, уни ҳозирги илмий-педагогик тафаккур истеъмолига киритишни тақозо этади.

Ўтмиш аждодларимиз қолдирган бой миллий қадриятларимизнинг аҳамиятини Ислом Каримов ўз асарларида алоҳида таъкидлаб дейди:

«Халқимиз таянчи аждодларимиз қолдирган маънавий мероснинг ўзи бир хазина. Бу хазинадан оқилона фойдаланишимиз лозим»<sup>1</sup>.

Ислом Каримов жамиятимиз миллий мафқурасини яратишда ҳам ўтмиш мутафаккирларимиз меросини муҳим деб билади. У бу мафқурани яратишда «миллий тарихимиз ва умумбашарий тараққиёт ривожига унутилмас хисса қўшган олиму фузалоларнинг мафқура ва унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақида қолдирган илмий мероси, фалсафий қарашларини ҳар томонлама ўрганиш даркор. Мен бу ўринда Абу Носир Форобий, Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Баҳовуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби улуғ аждодларимизнинг шу мавзуга дахлдор асарларини назарда тутаяпман. Масалан, Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асарини эсга олайлик. Бунинг минг йилча илгари яратилганига қарамасдан, бугунги ўқувчи ҳам бу асардан ҳозирги ҳаётнинг мураккаб муаммоларини ҳал қилишда асқотадиган муҳим фикр ва йўл-йўриқларни топа олади»<sup>2</sup>-деб ёзади.

Ислом Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» рисоласида ҳам ўтмиш тарихимиз ва меросимиз аҳамиятини ёритувчи муҳим асардир. Президентимизнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деган фикрлари фақат ижтимоий-сиёсий соҳага эмас, балки таълим тарбиямиз ва педагогикамиз соҳасига ҳам таллуқлидир. Педагогикамиз тарихи, ўтмишда таълим-тарбия амалиёти ва назарияси қандай бўлганлигини билмасдан туриб ҳозирги таълим тарбиямизда юксак даражага эришиб бўлмайди.

Миллий ва умумбашарий қадриятлар, халқ педагогикаси, Марказий Осиё ва Шарқ мутафаккирларининг илмий ва маънавий мероси, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг таълим-тарбияга оид асарлари миллий

---

<sup>1</sup>И.А.Каримов. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик. Т., «Ўзбекистон», 1993 й, 8 б.

<sup>2</sup>И.А.Каримов. Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Баркамол авлод орзуси. Т. «Шарқ», 1999 й. 36-37 б.

истиқлол ғояси ҳақидаги назариялар ҳисобланади. Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Тарих хотираси, халқнинг жонажон ўлканинг, давлатимиз худудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади».

Дарҳақиқат, биринчи юртбошимиз ўз нутқларида тарихимизнинг бекиёс ўрнини алоҳида ифтихор билан тилга олади. Ислом Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асари ёшларни маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялашдаги аҳамияти бекиёс. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Тарих миллатни, халқни порлоқ келажак сари бирлаштиради. Унинг куч-қудрати ҳам шундадир. Миллат тарихи-муайян миллатнинг ўтмишми, унинг асрлар давомидаги истаклар орзу-умидларни намоён этади. Шу миллатнинг келажак тараққиёт йўлини белгилаб беради. Тарихдан маълумки, ўзбек халқининг асрий орзуси озодлик, эркинлик ва ҳурликка интилиш бўлган. Истиқлол шарофати орқали бу тарихий эзгу мақсадлар рўёбга чиқди.

Ватан тарихида миллатимизнинг ўтмишигина эмас, балки унинг зарҳал варақларида халқ хотираси, аجدодлар тафаккурида ва дунёқараши, буюк тарихий-маънавий мерос мужассам. Бу миллатимиз борлиги, ўзлиги ва тириклигидир. Шунинг учун қайси халқ ва миллат борки ўз таърихини тиклашга, кўз қорачигидек асрашга, уни бекамукуст келажак авлодга етказишга алоҳида эътибор билан қарайди. Ислом Каримов доимо тарихнинг куч-қудратини ҳис этиб, бизга аجدодларимиз бой тарихий мерос қолдирганлигини, биз ҳам келажак авлодга ана шундай ибратли тарих қолдиришимиз кераклигини уқтирган. Ислом Каримов «миллатни асраш керак, миллатни асраш учун эса унинг ҳақиқий тарихини ўрганиш, авайлаб ҳимоялаш керак»лигини таъкидлайди («Туркистон газетаси. 1999 йил, 2 феврал). Чунки миллат ўзлигини ва борлигини ўз тарихи билан намоён этади. Ҳақиқий тарих ўрганилсагина ва яратилсагина миллатнинг маънавий

дунёси янада бойиб боради. Миллат жипслашади, у ўзи танлаган йўлдан дадил боради. Танлаган йўлдан оғишмайди.

Ислом Каримов ўз нутқларида ёшларга катта ишонч билдириб, Ўзбекистон келажаги ёшлар қўлида эканлиги таъкидлар экан аввало ёшларни шундай ишончга жавоб бера оладиган инсонлар қилиб етиштириш ўқитувчи ва тарбиячиларнинг фидокор меҳнати билан боғлиқлигини назарда тутди ва биринчи юртбошимиз ўзининг қатор нутқлари ва эътибордан четда қолдирмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX – сессиясида сўзлаган нутқида жамиятимизда таълим бериш тизими янгилашни жараёни талабалари билан яқиндан боғланмаганлиги сабабларидан бири ўқитувчига бориб тақалишини айтиб ўтади.

Менинг фикримча таълим-тарбия тизимини ўзгартиришдаги асосий муаммо ҳам манна шу ерда ўқитувчи болаларимизга замонавий билим бериш деб талаб қиламиз аммо замонавий билим бериши учун аввало мураббийнинг ўзи анна шундай билимга эга бўлиши керак.

Бундан кўришиб турибдики, ўқитувчининг ўзи авваламбор замонавий билим билан қуролланган бўлиши лозим.

Маълумки, бошланғич синфларда боланинг дунёқараши, диди, салоҳияти шаклланади. Шунинг учун кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг таълим-тарбия жараёнига энг етук, тажрибали мураббийларни жалб этиш лозим.

Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» (1992 й). «Миллатимиз мафқураси халқни халқ миллатни миллат қилиш хизмат килсин» (1998 й) «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». Бу жараёнда эса ўқитувчи муносабатини ўзгартириш талаб этилди.

Бугунги кунда ўқитувчига қўяётган муҳим талаблардан бири илғор педагогик технологиялар билим танишиш амалга қўллаш ва шулар орқали болаларни мустақил фикрлашга ўргатишдан иборатдир.

Бизнинг давлатимиз мутахассислар тайёрлашнинг илгор жаҳон тажрибасини кенг жалб этади. Ва энг аввало, бевосита Ўзбекистоннинг ўзида юқори таълим учун шароитлар яратади. X-XII ва XIV-XVI асрларда мовароуннахр маданияти гуллаб яшнаган даврда бу ердаги кўплаб шаҳарларда олий ўқув юртлари бўлиб, илмий марказлар ҳисобланар эди. Ҳозирги вақтда бу кутлуғ анъана тикланмоқда. Бизнинг халқимиз дойимий фазилати бўлган ҳақиқатни билиш йўлидаги саботни фан, техника, технология, бошқарув ва информатикада эришилган жаҳон ютуқларини ўзлаштиришга йўналитриш керак бўлади. Фақат ана ўшандагина, Ўзбекистон ўзининг барча бойликларининг чинакам эгаси ва ҳақиқий маданий давлат бўлади. Миллий маданиятнинг ўзига хослигини тиклашга алҳида эътибор берилиши керак. Шу билан бирга миллий ўз-ўзининг англашнинг тикланиши жаҳон инсонпарварлик маданияти ва умумбашарий қадриятлари идеалларидан, бизнинг кўп миллатли жамиятимиз анъаналаридан ажралиб қолишимиз мумкин эмас. Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчанлик фаоллигини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати ўзликсиз такомиллашади, катта авлоднинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади. Ёшлар, уларнинг иқтидорлиги ва билим олишга чанқоқлигидан таълим ва маънавиятни тушуниб етиш бошланади.

Инсонинг ўзи ва ўз оиласининг бахт-саодати йўлида меҳнат қилишга шахсан тайёр эканлиги, унинг ички имкониятларини ташкил этади. Бизнинг кўламли ижтимоий-иқтисодий ниятларимиз халқимизнинг меҳнатсеварлигидан келиб чиқади. Хар бир фуқаронинг мустақил давлат билан мағрурланиши унинг ўз давлатининг мустахкамланиши ва гуллаб-яшнаши учун шахсий хисса қўшишга тайёрлигидандир. Фақат мана шундагина фуқаро давлатнинг ишончли таянчига айланади.

## **I. 2. Ислом Каримов маънавият ва маърифатни юксалиши ҳақида.**

«Маърифатпарварлик, дейди юртбошимиз - биз учун бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, йўқотмайди ҳам. Ақл-закавотли, юксак маънавияти кишилар тарвиялай олсаккина, олдимиздаги мақсадимизга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади. Агар шу муаммони еча олмасак, барча тоат ибодатларимиз бир пул: тараққиёт ҳам, келажак ҳам, фаровон ҳаёт ҳам бўлмайди!(7- бет)».

Шу фикрлардан келиб чиқадиган бўлсак, аجدодларимиз маърифатли бўлганлар ва илм-фан бешигини тебратганлар. Турон заминида дунёга машҳур алломалар етишиб чиққан. Улар бизнинг фахримиз. Ўрта аср уйғониш даври равнақи ҳам ана шу маърифатнинг куч-қудрати хосиласидир. Биз ана шундан ибрат олишимиз керак. Ўша пайтдаги маърифатпарварлик халқ маънавиятини тиклашга қаратилган эди. Маънавиятни тиклашда тарих муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун «Тарий хотирасиз келажак йўқ» асарида «Тарих-халқ маънавиятининг асосидир» дейилади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, маънавият тарихдан озуқа олади ва бойиб боради. Аждодларимиз маънавиятининг дурдоналаридан бири бўлган «Авесто»да тарбия масалаларига кенг ўрин берилган. Бу китоб Ватанимиз худудида яшаб келадиган халқлар дунёнинг энг қадимги маданият ва маънавиятга эга халқлар эканлигини исботлайди. «Авесто»да шахснинг ахлоқий хислатлари, ҳақгуйлик ва адолатлилик улуғланади. *«Авесто»да зардуштийлик учта таянга асосланади:* фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги, амалларнинг инсонийлигидир. Бу ғоялар инсоннинг маънавияти юксаклиги ва тарбияланганлиги ўзида ифода этади. Бу ғоялар ўзининг аҳамиятини йўқотган эмас. Демак, «Авесто» амалда бўлган тарихий даврларда болаларда диний ва ахлоқий тарбия берилган, шу тарзда маънавият масаласи устувор мавқега ва макомга эга бўлган.

Тарихнинг ибрат ва тарбия манбаи эканлигини қуйидагича тарзда тавсивлаш мумкин. Тарихий миллий ўзликни англашда, миллий бирликни

шакллантиришда, шажарамиз улуғлиги ва поклигини билишда, халқимизнинг олижаноб, хурриятпарвар ва эркпарвар анъаларини изчил ўрганишга ҳамда баркамол ҳақиқий инсон тарбиялашда Ватан тарихининг ўрни бекиёсдир. Шунинг учун «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида «ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур» (24-25 бет) лиги таъкидланади. Чунки тарих-мустақил давлатимиз ҳаётида фаол қатнаша оладиган, идрокли ва қобилиятли, ўзининг тарихий илдизларини англашга қодир, Она-Ватанига ва халқига чексиз мухаббат туйғулари билан тўлиб-тошган авлодни камол топтириш, уларнинг онгида миллий истиқлол тафаккури ва ҳарбий ватанпарварлик ғояларини шакллантириш қуроли, ибратли ҳаёт мактаби ва тарбия манбаидир. Тарих Ватанга мухаббат уйғотади. Ватанни севган, унинг дарди билан яшаган инсоннигина ўз миллатини севади ва унинг учун куйинади. Ана шундай фазилатларни ёшларда камол топтиришнинг тарбиявий манбаи-бу аجدодлар қолдирган буюк тарихдир. Бу тарих билан халқимизни ва миллатимизни қуроллантириш зарурлигининг Президентимиз томонидан қайта-қайта такрорлашининг бойиси ҳам ана шундадир.

Мустақил давлатда, тинчлик ва осойишталикда, ғоявий чалкашликлар ва " темир парда"дан халос булиб, биз умумбашарий қадриятининг энг биринчи асоси бўлган халқ инсонпарварлиги чашмаларидан қадам-бақадам бахраманд бўлмоқдамиз. Айти шу ҳол тараққиёт йўлидан далил боришимиз ва бутун Инсоният билан бирлигимизнинг энг мустаҳкам кафолатидир.

Халқимизнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир.

Маънавият шундай қимматбаҳо меваси, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда етилган. Маъвият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўғити билан бирга

сингади. Она тилининг буюк аҳамияти шундаки, у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради. Табиатга яқинлик, жонажон ўлканинг бениҳоят гўзаллигидан бахраманд бўлиш маънавиятига озик беради, кучайтиради. Маънавият ўз халқининг тарихини, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди.

Маънавият турли халқлар ва мамлакатлар кишиларини қариндош қилади. Уларнинг тағдирини ўзаро ҳурмат асосида яқинлаштиради. Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар такдини билан шакллган. Уни ўлчаб ҳам, поёнига етиб ҳам бўлмайди. У инсон учун бутун бир олам.

Маънавият инсонга хаводек, сувдек зарур. Сахродаги сайёҳ ҳар доим булоқдан чанқоғини босади. Худди шунингдек, инсон ҳам неча-неча азоблар ва қийинчиликлар билан маънавият чашмасини излайди. Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, кўни-қўшнилар, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик-маънавиятининг маъносини ана шундай жуда кенг. Инсон уни Инсон даражасига кўтарадиган асосларининг асосини ўз ақли билан том маънода қамрай олмайди. Инсон ўзини халқининг бир зарраси деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб яшагандагина, маънавият билан туташади. Бизнинг одамларимиз Ватандан узоқлашганда жуда изтироб чекадилар, чунки уларнинг маънавият чашмаси гўё узоқлашиб кетгандек бўлади. Шунинг учун ҳам халқ Ватандан йироқликни оғир қабул қилади, чунки унда ҳар бир қадирдон киши учун қайғурадиган умумий қалб бор.

Маънавият-тақдирининг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиш керак. Бу хазина инсонга ҳаётда барқарорлик бағишлайди, унинг қарашлари шунчаки бойлик орттириш йўлида кун кўринишга йўл қўймайди, фожиалар вақтида омон сақлаб қолади ва моддий қийинчилик кунларида иродани



мустахамлайди. Халқимизнинг хотираси бой. Бугун жаҳонга машхур бўлган Беруний, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Имо Бухорий, Ат-Термизий, Ахмад Яссавий, Улугбек, Навоий ва бошқа кўпгина алломалар маънавияти кенг ва айни вақтда қисмати оғир бўлган сиймолардир. Улар ўзларини ҳақиқатга ташна ва ўзига ҳақиқат бўлган халққа бағишладилар. Буюк аждодларимизнинг улуғ номлари халқ хотираси ва унинг тақдирида муносиб давом этишга лойиқдир.

Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак, дейдиганлар ҳақ бўлмасалар керак. Маънавият- инсонинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди. Нафақат кўхна тарих, балки янги тарих ҳам бунинг кўп мисолларни беради.

Маънавиятни мустахамлаш учун меҳнат ва маблағни аяш ўз келажагига болта уриш демакдир, Ватан ва жаҳон маданиятининг, адабиёт ва саънатнинг ютуқлари бир оилага етиб бориш учун оиланинг моддий таъминланганлигидан қатий назар қулай шароитлар яратиш талаб этилади. Ижодий ходимларнинг маънавий кучига эркинлик бериш, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ҳам катта аҳамияга эгадир.

Маънавият жамият тараққиёти миллат камолоти ва шахс баркамоллигини белгилаб берувчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади, чунки маънавият ривожлангандагина жамиятда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик вужудга келади ҳамда мамлакат ва миллат тараққий этади. Бу ўз навбатида шахснинг баркамол ривожланиши учун зарур бўлган замин бўлиб хизмат қилади. Буни чуқур ҳис қилган ва ўз қалбидан ўтқазган биринчи Президентимиз Ислам Каримов мамлакатимиз ўз мустақиллигини кўлга киритгандан сўнг она заминимизда Демократик жамият қуришнинг назарий концепциясини ишлаб чиқар экан, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни қайта қуришни миллий маънавий тикланиш билан уйғун ҳолатда бўлиши кераклигини илмий жихатдан асослаб берди. У ўзининг

“Ўзбекистоннинг ўз истиқлоли ва тараққиёт йўли” номли асарида мустақилликдан кейин Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавият соҳасидаги стратегик вазифаларини ҳам белгилаб берди.

Ислом Каримов ушбу асарида мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий- ахлоқий негизларини белгилаб берар экан, “Ўзбекистоннинг янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланади”- деб кўрсатади ва қуйидагиларни белгилаб беради, умуминсоний кадриятларга содиқлик;

Халқимизнинг маънавий меъросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш; инсоннинг ўз имкониятини эркин намоён қилиши; ватанпарварлик. Ислом Каримов шундай ёзади: “Мустақил Ўзбекистоннинг куч қудрат манбаи халқимизнинг умуминсоний кадриятларга содиқлигидир. Халқимиз адолат тинчлик аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш заминимизда тинчлик ва Демократия, фаровонлик, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топиши учун зарур шарт - шароитлар яратишдир.”<sup>1</sup>

Ислом Каримов асарида мамлакатимизда миллий маънавиятни тиклаш ва ривожлантириш давлат сиёсатида устувор вазифа эканлигига эътибор қаратиб қуйидаги концептуал ғояни илгари суради. У шундай ёзади: “Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак дейдиганлар ҳақ бўлмаса керак. маънавият- инсоннинг, халқнинг, жамият, давлатнинг куч қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди. Биринчи Президентимиз томонидан илгари сурилган бу концептуал ғоянинг назарий ва амалий аҳамияти шундаки:

**биринчидан** бу билан муаллиф собиқ шўролар даврида маънавиятни ривожлантиришга 3 -даражали омил сифатида қаралишининг ижтимоий –

---

<sup>1</sup> Каримов И. Ўзбекистон Миллий истиқлол ,иқтисод,сиёсат ва мафкура. Тошкент. Ўзбекистон 1993 й 74-бет

сиёсий; иқтисодий ва маънавий-маърифий инқирозининг ҳам сабабларини кўрсатиб беради.

**Иккинчидан** маънавиятни ривожлантирмасдан, шахснинг маънавий - руҳиятини ўзгартирмасдан туриб жамиятда кўзланган мақсадни амалга ошириш мумкин эмаслигига эътиборини қаратган. Президентимизнинг яна бир муҳим концептуал ғояси маънавият шахснинг энг муҳим мезони ва шунинг билан бирга уни камолотга элтувчи, ўз-ўзини англатувчи ва имкониятларини юзага чиқарувчи улкан омил эканлигини илмий асосланганлигидир.

Ислом Каримовнинг миллий- маънавий тикланишга бағишланган концепциясида ватанпарварликнинг шахс маънавиятининг ажралмас қисми эканлигини асослаб бериш алоҳида ўринни эгаллайди. Ҳақиқатдан ҳам ўз ватанини севмаган унинг ҳар бир қарич ери учун масъуллигини ҳис этмаган ҳар бир инсон маънавий жиҳатдан қашшоқ ҳисобланади.

Биринчи Президентимиз мазкур асаарида миллий-маънавий тикланиш вазифасини амалга оширишга бағишланган концепцияларни ўзининг бошқа асарларида ижодий ривожлантирган, тараққиётимизнинг янги босқичида юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш эҳтиёжларига мос равишда унинг янги йўналишларини белгилаб берган.

Хусусан, улар “Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида”, “Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари”, “Амир Темур -фахримиз, ғуруримиз”, “Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”, “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин”, “Ўзбекистон XXI асрга интиломда”, каби асарларида ўз ифодасини топган.

Биринчи Президентимизнинг асарларида илгари сурилган концептуал ғояларни умумлаштирадиган бўлсак, улар қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади

-маънавий меърос ва диний қадриятларни чуқур ўзлаштириш, миллатимизни ўз-ўзини англашига эришиш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини изчиллик билан мустаҳкамлаш;

-мустақиллик шароитида миллий ғоя ва миллий мафқурани шакллантириш ҳамда уни халқимиз дунёқарашига айланишига эришиш;

-таълим тизимини ислох қилиш, кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини амалга ошириш асосида баркамол авлодни шакллантириш, соғлом авлод дастурини амалга ошириш асосида жисмоний бақувват, руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур ватанпарвар авлодимизни шакллантириш;

-миллий-маънавий салоҳиятимизни жаҳон цивилизациясидаги ўрнини тиклаш ва бугунги кунда маънавият, маърифат, фан, техника, технология ютуқларини чуқур ўзлаштириш асосида ҳозирги замон умумжаҳон маънавияти тизими ривожланишига ҳисса қўшиш; ёшлар маънавиятининг миллий истиқлол ғоялари билан бойитиб бориш, улар онгида мафқуравий иммунитетни кучайтириш-инсониятни асрлар давомида яратган ва умумжаҳон мулкига айланган барча бойликларини миллий-маънавий салоҳиятимизнинг ажралмас қисмига айлантириш кабилардир. Ислом Каримов миллий мафқуранинг миллий маънавий тикланиш ва мамлакатимизда Демократик жамият қуришдаги аҳамияти ва ролини илмий асослашга катта эътибор қаратади. Миллий-мафқура миллатни бирлаштиради, мафқурасиз одам жамият давлат ўз йўлини йўқотади. Президентимизнинг миллий маънавий амалга оширишга хизмат қилувчи яна бир концептуал ғояси соғлом авлодни тарбиялаш вояга етказиш заруриятини илмий асосланганлигидир. Унинг соғлом авлод концепциясида шахснинг жисмонан, руҳан бақувват бўлиши юксак билим, маънавият, тафаккур ва фидоий ватанпарвар бўлиши каби талабларга жавоб берадиган авлодни назарда тутди. Шунинг учун ҳам у “...фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади”- деган ғояни

илгари суради. Миллий-маънавий тикланишимизда ёшларимиз маънавиятини юксак даражада кўтариш, уларнинг ҳозирги замон фан, техника ва технология ютуқларини чуқур ўзлаштиришлари катта омил эканлиги президентимиз томонидан илмий асосланган.

Биринчи Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган миллий-маънавий тикланиш ва янгиланиш концепцияси жуда катта назарий ва методологик аҳамиятга эга; улар қуйидагилардан иборат:

**биринчидан**, бу концепция собиқ Шўроларнинг тоталитар тузуми шароитида бой миллий маънавий маданиятимизнинг инқирозга юз тутганлиги ва унинг сабабларини тушунишга;

**иккинчидан**, собиқ Шўроларнинг ўтказган зўравонлиги, зулми ва жинояткорона хатти - ҳаракатларига қарамасдан, миллий - маънавий меъросимизнинг илдизлари мустаҳкам бўлганлиги учун бу зўравонликларга бардош бериб, ўз салоҳият ва хусусиятларини сақлаб қололганлигини тушуниб етишга худди шунингдек, ана шу омил мустақиллигимиз шароитида куч, қудрат, миллий ғурур ва ифтиҳор туйғуларимиз учун манба бўлаётганлигини тушуниб етишга;

**учунчидан**, ҳар бир миллат, у сон жихатдан кичикми ёки каттами ундан қатъий назар мустақиллик уларнинг ҳар бири учун ҳаво ва сувдек зарур эканлигини, фақат мустақиллик миллатни миллий - маънавиятини сақлаб қолишга, уни ривожлантириш ва кейинги авлодга етказиш бахтига муяссар этадиган асосий омил эканлигини тушунишга, бу эса ҳар бир миллатдошимиз ва ватандошимизни мустақилликдек улуғ неъматни сақлаб қолиши учун фадойилик кўрсатиши маънавиятнинг юксак белгиси эканлигини қалбан ҳис қилишга имкон беради;

**тўртинчидан**, миллий-маънавий тикланишнинг моҳияти, ”маънавият” тушунчаси, унинг шахс, миллат камолоти, давлат ва жамият тараққиётидаги ўрнини билиб олишга, уни ривожлантириш учун меъросимизни чуқур ўзлаштириш тинмай изланиш, маърифат, фан, техника ва технология

ютуқларини сабот билан ўзлаштириш ҳамда Президентимизнинг бугунги тараққиётимизни таъминлайдиган “куч-билим ва тафаккурда”-деган илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган концептуал ғоясига изчиллик билан амал қилишимиз;

**бешинчидан**, миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва ислохатларни амалга ошириш жараёнида миллий-маънавий тикланишимиз олдида турган вазифалар кўламини билиб олишга ва уни амалга оширишда умуммиллий сафарбарлик ҳаракатини авж олдиришда фидоийлик кўрсатиш зарурлиги;

**олтинчидан**, талаба ёшларнинг миллий-маънавий тикланиш борасида улар олдида турган вазифаларни билиб олишга, миллий ғурур, ифтихор, фидоийлик, ватанпарварликни шакллантириш мустақилликни мустаҳкамлаш ва тараққиётимизнинг асосий шарти эканлигини тушуниб етиш;

**еттинчидан**, миллий истиқлол ғоясининг маъно ва мазмунини чуқур англашимиз, мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида маънавий янгиланишимиз борасида стратегик вазифаларимизни асосий йўналишлари ва кўламини чуқур билиб олишимиз ҳамда уларни амалга оширишда фидоийлик кўрсатишимизнинг аҳамиятини тушуниб етишимиз зарурлиги кабилардир.

Биринчи Президентимиз ишлаб чиққан миллий-маънавий тикланиш концепциясида инсониятнинг асрлар давомида яратган ва умумжаҳон мулкига айланган барча бойликларини миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисмига айлантириш ҳам асосий ўринни эгаллайди.

Биринчи Президентимизнинг миллий - маънавий тикланишимиз борасидаги қилган хизматлари ҳақида фикр юритганда, уларнинг концептуал ғояларини ишлаб чиқиш билан бир қаторда ана шуларни амалга ошириш борасида қилаётган катта хизматлари ҳақида алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Жумладан, 1994 йилдаёқ республикамызда “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказини тузиш тўғрисида фармон чиқарганлари, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш ҳақида ғамхўрлик кўрсатаётганликларини

айтиш жоиз. Мустақиллик йиллирида маънавий меъросимиз раҳнамолари номлари тикланди, улар таваллуд топган кунлар нишонланмоқда, асарлари чоп этилди ва этилмоқда. Чунончи, Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги; Нажмиддин Кубро таваллудининг 850 йиллиги кенг нишонланди. 1998 йилда Имом ал-Бухорий ҳазратларининг 1225 йилликлари, Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги нишонланишида бош - қош бўлганликларини таъкидлаш лозим.

Мустақиллик йиллари Қуръони Карим ўзбек тилига таржима қилиниб кўп нусхада чоп этилди. Имом ал-Бухорийнинг тўрт жилдлик ҳадислари чоп этиш тугалланди. Хожа Аҳмад Яссавийнинг “Хикматлар” тўплами чоп этилди. Кўплаб Қуръони Карим шарҳлариги оид китоблар ҳам чоп этилганлигини ва улардан халқимиз баҳраманд бўлаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Мустақиллик йиллари Ййди Рамазон ва Қурбон Ҳайит кунлари диний кадриятларимизнинг байрами сифатида нишонланмоқда. Наврўз умумхалқ байрами сифатида халқимиз ҳаётдан мустаҳкам ўрин олди. Ҳар йили 3000 дан ортиқ ватандошларимиз муборак ҳаж сафарларини адо этмоқдалар. Мустақиллик йиллари масжид ва мадрасалар таъмирланди.

Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур Мирзоларнинг номи қайта тикланди. Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди, Мирзо Улуғбекнинг эса 600 йиллиги кенг нишонланди ва шу муносабат билан юртимизда беқиёс маънавий - маърифий ишлар амалга оширилди.

Миллий – маънавий тикланишимиз борасида биринчи Президентимиз томонидан амалга оширилган миҳим назарий ва амалий аҳамиятги эга бўлган ишлар қаторига яна қуйидагиларни қўшиш лозим бўлади:

а) миллий – маънавий тикланишимизнинг илмий назарий концепциясини ишлаб чиқилганлиги ва истиқболда маънавий тараққиётимизнинг XXI асрдаги вазифаларини белгилаб берганлиги;

б) миллий – маънавий тикланишнинг мамлакатимизнинг тоталитаризмдан Демократик жамиятга ўтиш шароитидаги ўзиги хос хусусиятларини илмий асослаб берганлиги ва унинг фақат миллий, ижтимоий – маънавий тафаккуримизда эмас, шунинг билан бирга умумижтимоий – фалсафий тафаккур тараққиётида янги йўналиш бошлаб берганлигини ҳам таъкидлаш лозим бўлади .



## **II-БОБ. БАРКАМОЛ АВЛОД ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ПОЙДЕВОРИ.**

### **2.1 Ёш авлод маънавий тарбияси-долзарб вазифа.**

**Ҳозирги янгиланаётган жамиятда таълим ва тарбияни тубдан ислох қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.**

Мустақил Республикамизда шундай улкан вазифа ҳал этилаётган бир шароитда таълим – тарбияни жаҳон андозалари даражасига кўтариш педагог олимлар, ўқитувчи ва тарбиячилар олдига ҳал этилиши зарур бўлган вазифаларни қўймоқда.

Мамлакатимизда ана шу ҳақиқатни англаб иш олиб борилмоқда. Мактаб соҳасида «Таълим ҳақида» қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ни қабул қилдик.

1996-1997- ўқув йилидан бошлаб мактабларнинг 1- синфларида ўқишлар янги алифбода олиб борилмоқда.

Янги имло, алифбода ўқитиш учун зарур дастур, қўлланма ва дарсликлар яратилди.

Биринчи Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек,

«Шу боис мамлакатимизнинг истиқлол йўлидаги биринчи қадамлариданок, буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, Миллий таълим–тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон таълаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқариш мақсадига катта аҳамият бериб келинмоқда».

(И. Каримов, «Баркамол авлод орзуси», 10-бет «Шарқ» нашриёти, Тошкент – 99йил)

Биринчи юртбошимиз Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги муҳбирининг саволига берган жавобларида «Ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз – жамиятимиз аъзоларининг, авваломбор вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида Миллий ғоя, Миллий мафкура, ўз ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини

англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир» деб алоҳида таъкидладилар.

Зиёлилар бу бурчни қанчалик ифтихор билан адо этса, мустақиллик иморатининг пойдевори шунчалик бақувват бўлади.

Тарбия, айниқса, комил инсон тарбияси бугунимиз учунгина эмас, балки келажагимизнинг ҳам ҳаёт-мамот ишидир. Ҳозирги ёш авлод тўғри тарбия топса, мустақиллик истиқболини тўғри тушунса, шубҳасиз, эришилган ютуқлар истиқболда ўз самарасини беради.

Миллий ғоямизнинг асосий мақсадларидан бири – ҳар томонлама етук комил инсонни тарбиялашдан иборат.

Комиллик нима?

Комиллик – мукамалликдир.

Мукамаллик – мақсадга мувофиқликдир.

Комил инсон ғояси-ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одомзодга хос юксак маънавий ва жисмоний мукамалликни ўзида мужассам этган олийжаноб ғоядир.

Юксак тарбия олган комил инсон эркин фикр юритувчи, ўз халқи идеаллари учун курашувчи ватанга ҳалол хизмат қилувчи инсондир. Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто» да ҳалол меҳнат комилликнинг асосий мезони сифатида талқин этилади.

Абу Али Ибн Сино, Беруний, Фаробий, Навоий каби мутафаккирларнинг комил инсонни тарбиялаш тўғрисидаги фикрлари жамият тараққиётига янги маънавий имкониятлар излаш мақсадлари билан боғланган.

Фаробий Фозил шаҳар аҳолиси ғоясини илгари сурар экан, шахс камолоти адолатли жамият куриш шарти деб ҳисоблайди.

Инсоннинг комиллиги унинг ахлоқий етуклигида, билими ва ҳаракатларида кўзга кўринади. Комил инсон ўз маслағи, ватани, халқи манфаатларига ёт, зарарли ғояларни тарқатаётган кимсалар ортидан кўр-

кўрона эргашиб кетавермайди. Тарихимизда комиллик тимсоллари кўп: Алпомиш- халқимизнинг идеал қахрамони, мардлик, ватанпарварлик тимсоли. Фарход- жисмоний камолат эгаси. Навоий романидаги Навоий- идеал образ, тарихий шахс- комил инсондир.

Маънавият комил инсон тарбиясининг энг таъсирчан қуроли экан, ундан оқилона фойдаланиш, болаларимизни ватанпарварлик, ростгўйлик, инсонпарварлик, халқсеварликка ўргатишимиз керак.

Биринчи юртбошимиз Ислон Каримов, «Қадимги аجدодларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсак шарқона ахлоқ Кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбида харомдан хазар, нопокликка адолатсизликка нисбатан мурасасиз исён бўлиши керак», - деган фикрлари ўринлидир.

(И. А. Каримов, Ўзбекистоннинг сиёсий ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Тошкент, Ўзбекистон-1995 йил 53 бет)

Маълумки, Инсонпарварлик ғоялари билан озиқланган Ҳожа Аҳмад Яссавий, Баховуддин Нақшбандий, Нажмиддин Кубро каби инсонларнинг ўғитларини эслайлик.

Хазрат Баховуддин Нақшбанд ҳар бир инсонни доимо худони дилига жо қилган холда, уни доимо ўзига мададкор деб билиб, касб ўрганишига, ўз ишининг устаси бўлишига, қисқаси меҳнат қилишга чақирган. (Дил баёру, даст бакор)

Ёшларнинг кенг дунёқараши, мустақил фикрлаш салоҳияти – шахс маънавиятини муҳим мезони.

## **2.2 Ёшларни кенг дунё қараши, мустақил фикрлаш салоҳияти-шахс маънавиятининг муҳим мезони.**

Ёшларнинг кенг дунёқараши, мустақил фикрлаш салоҳияти – шахс маънавиятини муҳим мезони.

Баркамол инсон ўзида маънавий ахлоқий хислатлар мажмуини мужассамлаштирган, кенг дунёқарашга эга бўлган жамиятда ўзлигини ва ўз қобилиятини ҳар томонлама намоён эта оладиган, маърифатли, дунёвий ва ухравий билимларни мукаммал эгаллаган, ақлан етук, юксак истеъдод ва салоҳиятга эга бўлган ахлоқан пок шахс тушунилади.

Шахснинг бу тарифи ҳозирги даврда катта аҳамиятга эга ва амалда инсон шахси тарбиясининг намунаси бўлиб ҳисобланиши ва таълим тизимида баркамол шахс тарбияси технологиясига асос бўлиши керак.

Халқимизнинг келажаги, энг аввало, унинг ўзига, маънавий қудратига ва миллий онгнинг ижодий кучига боғлиқдир. Моддий фаровонликка табиий интилиш, миллатнинг маънавийлик ва маърифийлиги халқимизнинг кўп асрлик тарихи давомида унинг энг кучли ўзига хос хусусияти бўлиб келди.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов, «Келажақда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисодиёти билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши лозим.

Мамлакатимизнинг мард, фидойи кишилари юртига, меҳр-шавқат, муҳаббат барқарор бўлган, тафаккур ва ижод қайнаган муқаддас маконга айланишига аминман». – дея ишонч билдирдилар. (И. Каримов, Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. 57 бет, Тошкент, Ўзбекистон-1995 йил) .

Хулоса шуки, баркамол инсон деганда ўзида маънавий-ахлоқий хислатлар мажмуини мужассамлаштирган, жамиятда ўзлигини ва ўз қобилиятини ҳар томонлама намоён эта оладиган, маърифатли, дунёвий билимларни мукаммал эгаллаган, ақлан етук, юксак истеъдод ва салоҳиятга

эга бўлган маънавий жиҳатдан юксак, ахлоқан пок, жисмонан соғлом, ҳаёт гўзалликларини хис эта оладиган, эркин, ижодкор шахс тушунилади.

Шахснинг бу тарифи ҳозирги даврда катта аҳамиятга эга ва амалда инсон шахси тарбиясининг эталони (намунаси) бўлиб ҳисобланиши ва таълим тизимида баркамол шахс тарбияси технологиясига асос бўлиши керак.

Кишиларнинг билими ошиб, дунёқарашни ўзгариб бориши натижасида жамиятда барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш, бошқача айтганда ижтимоий тартибни ўрнатиш ва сақлаб туриш мақсадида инсон ўзи учун иккита ижтимоий регуляторни, яъни ҳуқуқ ва ахлоқни ўйлаб чиқди. Маънавият ва ахлоқ одамлар ўртасидаги муносабатларни муросага солиш ва келиштириш орқали жамиятда тартиб ўрнатади. Агар одамлар ўртасидаги муносабат ҳуқуқ ва ахлоқ воситасида муросага солинмаса, жамият сон-саноксиз зиддият, қарама-қаршилиқлар ва урушлардан иборат бўлиб бундай жамият охир-оқибатда инқирозга юз тутаяди. Чунки, одамларнинг манфаатлари, қизиқишлари хилма-хил бўлиб, уларни қондириш жараёнида табиий равишда зиддиятлар келиб чиқаяди.

Инсоният билим асосида жамиятда тартиб ўрнатадиган ахлоқий муносабатлар жамият маънавий маданиятининг шаклланиши ва ривожланишига, провардида комил инсон тарбиясининг маънавий омилларига ўз таъсирини ўтказаяди. Жамиятни илм бошқарган тақдирдагина ҳуқуқ ва ахлоққа риоя қилиш таъминланиши ҳамда бундай назорат тизимининг шаклланиши ҳам илмий асосда бўлиши лозим. Жамиятда шундай назорат тизими шаклланиши керакки, у ҳуқуқ ва ахлоққа риоя қилишни амалда таъминлашга қодир бўлсин.

Жамиятда ҳуқуқ ва ахлоқ асосида қабул қилинган нормаларга риоя қилишни таъминлашга хизмат қилади. Демак, назорат бу ҳуқуқ ва ахлоқ асосида қабул қилинган чекловларга, шартларга риоя қилишни таъминлаш орқали жамиятда тартиб ўрнатадиган механизм фаолиятидир.

Бундай шартларга, нормаларга риоя қилишнинг бузулиши ижтимоий тизимнинг фаолият олиб боришига зарар етказди. Ижтимоий назоратнинг асосий объектлари бўлиб ҳуқуқ ва ахлоқ ҳисобланади. Назорат тизимининг самарали ишлашینی таъминлаш учун ахлоққа риоя қилиш назорат қилиниши керак. Маънавий ва ахлоқ ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амал қилади.

Маънавият буюк неъматдир. Инсон ана шу неъмат туфайли бир-бирини эъзозлайди, виждонан меҳнат қилади, қобилияти ва истеъдодини ишга солиб, ўзини ўраб турган ташқи муҳитни ўзгартиради. Шунинг учун ҳам Ислон Каримов 1996 йил 4 сентябрда «Маънавият ва маърифат» Республика жамоатчилик маркази раҳбарияти ҳамда бошқарув аъзолари билан бўлган учрашувда маънавиятнинг энг асосий ҳимоячиси Республика Президенти эканлигини таъкидлаб, «Маънавиятда инсоннинг иймони, эътиқоди, ахлоқи, ҳаётнинг маъносини қандай тушуниши, ички дунёси намоён бўлади. Ватан, халқ олдидаги бурчини эгаллаш ҳам юксак маънавият белгисидир. Маънавий баркамол инсон – ўзининг савобли ишлари билан кечирган ҳаётдан рози кетади»<sup>1</sup> деган эди.

Маънавият – инсон ахлоқи ва одоби, билимлари, истеъдоди, қобилияти амалий малакалари, виждони, иймони, эътиқоди, дунёқараш, мафкуравий қарашлари бир-бири билан узвий боғланган, жамият тараққиётига ижобий таъсир этадиган муштарак тизимидир. Шундай экан, маънавиятнинг моҳиятини белгиловчи, унинг таркибий қисмларини қуйидагича ажратиб кўрсатиш мумкин. 1) ахлоқ ва одоб; 2) амалий меҳнат жараёнида вужудга келадиган билим, илм, амалий малакалар, истеъдод, қобилият; 3) ахлоқий илмий етукликнинг натижаси бўлган иймон, эътиқод, виждон, инсоф, ихлос; 4) инсон билимлари, амалий тажрибасини умумлаштиришга, фаолиятига йўналиш беришига қаратилган дунёқараш ва мафкурадир<sup>2</sup>.

Маърифат эса маънавиятнинг моҳиятини, аҳамиятини ўрганиш, тарғиб этиш, таълим-тарбия ишларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган

<sup>1</sup> Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.: «Ўзбекистон» 1997, 149-бет

<sup>2</sup> Юсупов Э Инсон камолотининг маънавий асослари. –Т.: «Университет», 1998, 34-бет.

тадбирлар тизимидир. Ҳар қандай шароитда ҳам жамиятнинг маънавий камолоти, инсон шахсининг шаклланиши маълум мақсадлар билан боғланган маърифий тадбирлар орқали амалга ошади. Президент Ислам Каримов айтганидек, “жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч – маърифатдир”<sup>1</sup>.

Жамият тараққиёти ва инсон камолоти жараёнида маънавиятнинг барча қирралари ўзаро боғлиқ ҳолда шаклланади. Ахлоқ ва одоб инсон ҳаётга қадам қўяётган дастлабки даврданоқ шаклланиб унинг камолотига замин яратувчи ички руҳий омил бўлади. Инсон тарбия кўриб муайян одоб ва ахлоқ нормаларини, билим ва илмларни эгаллайди, меҳнат қилиб тажриба ортиради. Айни бир пайтда ахлоқ, одоб, билим, исътедод заминида эътиқод, виждон, иймон шаклланади. Маънавиятнинг бу жиҳатлари биргаликда инсонда ижтимоий, моддий ҳаётнинг моҳияти ва мақсадлари ҳақида муайян дунёқараш, мафкуравий эътиқодлар тизими шаклланишига олиб келади.

Инсон шахси камолотини маънавиятнинг юқоридаги тамониларидан бирортасисиз тўлиқ тасаввур этиш мумкин эмас. Инсоннинг моҳияти ҳам шу сифатларнинг муштарак бирлиги асосида шаклланади ва камол топиб боради. Маънавий камолот жамият тараққиётининг инсон фаолияти, онги билан боғлиқ бўлган субъектив омиллари тобор кенгайиб, чуқурлашиб, ривожланиб боришини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислам Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарида маънавиятни шакллантирадиган асосий мезон сифатида маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликларни алоҳида ажратиб кўрсатган<sup>2</sup>.

Энди, маънавият тушунчасининг илмий, назарий-методологик таҳлилларига эътибор қаратсак. Маънавиятнинг жамият тараққиёти, инсон камолотидаги аҳамиятини эътироф этиш унинг моҳияти ва мазмунини ҳам илмий таҳлил

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: “Шарк”, 1998, 7-бет.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008. 30-бет.

қилишни талаб қилади. Шу нуқати назардан, ижтимоий фанларда бу категориянинг моҳияти ва мазмуни тўла очиб берилмаган.

Маънавият муаммоларини тадқиқ этган мутахассислар уни инсон қалби, ва руҳияти билан боғлаб изоҳлашга ҳаракат қилганлар. Масалан, “миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар” номли асар муаллифи, филология фанлари доктори, профессор М.Имомназаров “маънавият ғайриоддийдир - деб ёзади, - чунки у Оллоҳ инояти билан инсон қалбида зуҳур этади”.<sup>1</sup> “Маънавиятнинг асл манбаи илоҳий нур, Омий ҳақиқат нуридир, дедик. У инсон қалбида, кўнгул кўзгусида акс этади. Аммо бунинг учун кўзгу сайқал топган бўлмоғи керак. Инсон риёзат чекмаса, ўзлигини ёниб изламаса, ҳақиқат сари фақат онги эмас, борлиқ вужуди билан интизмаса, унинг кўнгил кўзгуси сайқалланиши ҳам мушкул. Шу сабабли маънавият нури барчага баробар насиб этмоғи тасаввурдан йироқдир”.<sup>2</sup> Агар ушбу таърифдан келиб чиқсак, маънавият “Олий ҳақиқат нури” сифатида барчага ҳам насиб этавермайди.

И.Имомназаровнинг маънавият тушунчаси хусусидаги қарашларига кўшилиш мумкин эмаслигини таъкидлаган файласуф олим А.Эркаев маънавиятни илоҳий ғайритабиий ҳодиса эмас, балки инсон фаолияти билан боғлиқ ижтимоий ҳодиса деб қарайди. “Маънавият, - деб ёзади А.Эркаев, - инсоний фазилатлар билан бирга, “маънавий маданият” деб аталмиш дунёвий илм-фан, фалсафа, ахлоқ, ҳуқуқ, адабиёт ва санъат, халқ таълими, оммавий ахборот воситалари, урф-одатлар, анъаналар ҳамда дин ва диний амалиёт-ибодат, тақво, диний маросимлар, диний адабиёт, диний санъат каби бошқа кўплаб тарихий ва замонавий қадриятларни ҳам қамраб олади. Маънавият онг каби идеал ҳодисадир, аммо илоҳий ҳодиса эмас”.<sup>3</sup> Муаллифнинг фикрига кўра, идеаллик маънавиятнинг бир жиҳатидир. Маънавият эса

---

<sup>1</sup> Имомназаров И. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар.-Т.: “Маънавият”, 1998. 11-бет.

<sup>2</sup> Имомназаров И. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар.-Т.: “Маънавият”, 1998. 62-бет.

<sup>3</sup> Эркаев А. Маънавият-миллат нишони.-Т.: Маънавият, 1999, 20-бет.



мустақил мавжуд ҳодисадир. Маънавият, энг аввало, маданият орқали мустақил мавжудлигини намоён этади.

Фалсафа фанлари доктори, профессор Т.Маҳмудов эса маънавиятсиз одам бўлмайди, - лекин кишининг маънавияти паст ёки юқори бўлиши мумкин деб ҳисоблайди. “Маънавият, - деб ёзади у, - умумий тушунча бўлиши билан бирга у конкрет ҳаётий шарт-шароитларда “фаолият” кўрсатувчи ва конкрет шахсларнинг конкрет хатти-харакатларини ифодаловчи ақлли қалб мулки, тажрибали қалб тарзида амал қилади. Инсон маънавиятини ушлаб бўлмайди, бироқ уни инсоннинг табиат ва жамиятдаги амаллари орқали ҳис қилиш ва идрок этиш мумкин”<sup>1</sup>. Маънавият “миллат ва шахснинг бутун инсоний фаолияти ва идеалларини қамраб олувчи универсал тасаввур. Маънавият шахс ва миллатнинг “ақлли қалби”ни ифода этадиган, тарих тақозосига биноан унинг турли томонлари намоён бўладиган, табиат, жамият ва инсоннинг инсонийлашув даражасини билдирадиган руҳий идрок, зийрак қалб оламидир”<sup>2</sup>. Кўриниб турибдики, охир натижада маънавиятнинг руҳ ва қалб билан боғлиқ ҳодиса эканлиги қайд этилади.

Дарҳақиқат, маънавият тушунчаси моҳияти, мазмуни, ғоявий-мафкуравий ва тарбиявий жиҳати билан мураккаб ва серқиррадир. Шу маънода инсон онгли фаолиятининг, тафаккур салоҳиятининг ҳар қандай шакли ҳам маънавият бўла олмайди. Шу сабабли ҳам онгли тафаккур соҳиби бўлган кишиларда маънавиятлилик билан бир қаторда, маънавий қашшоқлик, қолақлик ҳоллари ҳам кўзга ташланади. Агар жамият ҳаётида маънавий қолақлик, маънавий тубанлик бўлмаганида маънавиятнинг шакллантириш учун курашга зарурият ҳам бўлмас эди.

“Маънавият - инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди”,-деб ёзган эди Президент мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ<sup>3</sup>. Кейинчалик

---

<sup>1</sup> Маҳмудов Т. Мустақиллик ва маънавият.-Т.: Маънавият, 2001, 7-бет.

<sup>2</sup> Маҳмудов Т. Мустақиллик ва маънавият.-Т.: Маънавият, 2001, 18-бет.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т.: “Ўзбекисон”, 1996, 81-бет

“Ўзбекистон XXI асрга интилоқда” асарида бу ғоя янада муайянлик касб этиб, маънавият “инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойтадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустақкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний куч” сифатида таърифланди<sup>1</sup>. Бу таъриф жузъий ўзгаришлар билан Президентнинг алоҳида маънавиятга бағишланган “Юксак маънавият – энгилмас куч” номли китобида ҳам келтирилган.

Маънавият тушунчасининг таърифи, Ислом Каримов ушбу китобида яна бир бор таъкидлаганидек, оддий лисоний жумбоқ эмас, “маъно”, “маъни” сўзларининг бугунги биз тушунган мазмуни билан ечилмайди. Жалолиддин Румийнинг буюк ирфоний асари беҳудага “Маснавийи маънавий” номи билан шуҳрат таратган эмас. Бу ердаги “маъно” тушунчаси олий бир мазмунни англатмоқда.

Ислом Каримовнинг таърифлари шу яхлит моҳиятга туташ ботиний қудратга алоқадордир, уни бошқа, иккиламчи ҳодисалардан, моддий воқелик унсурларидан келтириб чиқаришга уриниш муаммони теран илғамасликни билдиради. Бугун мустақил ва фаровон Ўзбекистон аталмиш буюк воқеликни вужудга келтириш учун ҳар бир инсондан, миллатнинг ҳар бир вакилидан алоҳида ички қувват, чексизликка туташувчи ботиний куч талаб этилмоқда. Ўзини мустақил шахс деб билган ҳар бир инсон уни ўзи учун кашф этиши керак. Бунинг учун, аввало, руҳимиздаги худбин майлларни, ёлғон ҳою-ҳавасларни, рўёларни енгиб ўтиб, чексиз қудрат манбаига қалбимизни очишимиз лозим.

Ислом Каримов бу тушунчани шундай таърифлайди. **“Маънавият инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”<sup>2</sup>**. Мазкур таърифда маънавият тушунчасининг негизлари, инсоний ботиний хусусиятлари, қалби, руҳиятига алоҳида

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Т.: “Ўзбекистон”, 1999, 381-бет.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008. 19-бет.

эътибор қаратилган. Яна бир ўринда Ислом Каримов маънавиятга “жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлокий қарашларни ўзида”<sup>1</sup> уйғунлаштирадиган ҳодиса сифатида ёндошади. Фалсафа қомусий луғатида маънавият тушунчасига шундай таъриф берилган: “Маънавият – инсонларнинг ўзаро муносабатлари, уларнинг ҳаётий тажрибалари давомида шаклланган ва ривожланган қадриятлар тизими”<sup>2</sup>. Инсон маънавиятини ўзини шахс сифатида англагандан бошлаб, умрининг охиригача шакллантиради ва ривожлантириб боради. У инсоннинг бутун онгли фаолияти давомида шаклланиб боради.

Дарҳақиқат, бутун бир халқ ёки мамлакат ижтимоий-маънавий тараққиётининг стратегик йўналишларини, бу борадаги долзарб мақсад ва вазифаларни белгилаб, инсон ва унинг маънавий оламига хос белги ва хусусиятларни янги қарашлар негизида ёритиш тарихий тараққиётнинг ҳар бир босқичида ўзига хос долзарблик аҳамият касб этган. Бундай қараш ва муносабатлар бутун бир халқ ва миллатнинг кўп йиллар давомидаги ҳаётий, ижтимоий-сиёсий тажрибалари, жаҳонда содир бўлаётган воқеаларнинг таҳлили заминида яратилиши шубҳасиздир.

Ана шу каби юқоридаги илмий-назарий ва амалий характердаги фикрларни умумлаштириб, улардан маънавий маданиятнинг шаклланиш жараёнлари билан боғлиқ қуйидаги хулосаларни илгари суриш мумкин:

**Биринчидан**, маънавий маданиятнинг шаклланиши халқимизнинг тарихий тараққиёти, бой давлатчилик тажрибасига бориб тақалади.

**Иккинчидан**, халқимиз ҳаёт тарзининг ажралмас қисми бўлган Давлатимизнинг биринчи раҳбари Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарида маънавиятнинг шакллантирадиган мезонлардан бири сифатида эътироф этилган оила билан боғлиқ жараён бўлиб, унинг негизида доимо тарбия омили устувор бўлган.

**Учинчидан**, билим ва маърифат асосида шаклланган дунёқараш инсон маънавий маданияти шаклланишида, инсон камолоти ва миллат раънақининг

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008. 20-бет.

<sup>2</sup> Фалсафа қомусий луғат. –Т.: “Шарқ”, 2004, 254-бет.

энг асосий шарти ва гарови ҳисобдланади. Албатта, таълим-тарбия — инсон онгининг махсули яъни, халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир.

**Тўртинчидан**, инсон дунёқараши, шу асосда маънавий маданияти турли ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий билимлар тизими асосида шакланади ҳамда ҳаётий тажриба ва кўникмаларлар орқали бойиб боради.

**Бешинчидан**, буюк аجدодларимиз маънавий меросида маънавиятнинг шаклланишида халқимиз миллий менталитетига хос бўлган – ҳаё, андиша, орият, хокисарлик вафа ва садоқат, шижоат ва камтаринлик каби ахлоқ нормалари борлигини эътироф этилган.

**Олтинчидан**, маънавий маданиятнинг шаклланишида миллий ва диний қадриятлар уйғунликда бўлиши лозим.

Маънавиятсиз инсон бўлмайди. Шу нуқтаи назардан ёндошиладиган бўлса маънавий етук, ахлоқан поқ ва мукамал инсонларсиз жамият ва миллат ҳам бўлмайди. Бу хусусда Ислом Каримов таъкидлаганидек, “маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди. Маънавий баркамоллик ҳар бир инсоннинг ўзи туғилиб ўсган юртига, тили, дини, маданий мероси, урф-одатлари ва қадриятларига бўлган меҳру муҳаббатида ва шу йўлда фидойилигида намоён бўлади”<sup>1</sup>.

Мустақиллик туфайли жамиятимиз жадал туб ўзгаришлар жараёнини бошдан кечирмоқда. Ўзбекистоннинг келажаги тўғрисида Ислом Каримов ўзининг мулоҳазаларида биринчи даражали қилиб миллий ғояни шакллантиришни кўяди. Унинг асосида халқнинг ҳақиқий тарихини қайтариш, миллий анъаналарни тиклаш, маданий ва маънавий меросни ўрганиш ётади. Худди шу ғоя – XXI асрда Ўзбекистоннинг озод фуқороларининг маънавияти шаклланишида катта аҳамият касб этиб, уларнинг ўз Ватанини гуллаб-яшнаши учун фидоий бўлиши, ўз халқининг

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. –Т.: “Ўзбекистон”, 1994, 9-бет.

буюк ўтмишидан фахрланувчи миллат фарзандлари бўлиб шаклланиши учун хизмат қилади.

Шунингдек, давлатимиз биринчи раҳбари Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида “Агарки мендан, ҳозирги кунда маънавиятимизни асраш учун нима қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган хуружларга нимани қарши қўйиш керак, деб сўраса, мен авваламбор шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ аجدодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур, деб жавоб берган бўлардим”<sup>1</sup>, – дея маънавиятни билиш, ўрганиш ва уни асраб-авайлаш борасида олдимизга катта вазифаларни қўйди.

Энди “шахс” тушунчасининг ижтимоий-фалсафий таҳлилига эътибор қаратсак. Аксарият адабиётларда “шахс”, “инсон”, “одам” каби бу тушунчалар бир-бирининг ўрнини тўлдирувчи синоним тушунчалар сифатида ишлатилади. Шундай бўлса-да, ижтимоий, табиий хусусиятлари билан бир-биридан фарқланади. Бошқача айтганда, инсон фаолияти, қобилияти, характер хусусиятлари сабабли қарқланади. Шу нуқтаи назардан қараганда “инсон гарчи одам бўлиб туғулса-да, шахс сифатида жамиятда, ижтимоий муносабатлар жараёнида шаклланади. Демак, “шахс” тушунчасида бир томондан индивидуаллик, иккинчи томондан ижтимоийлик уйғунлигини кўриш мумкин. Бошқача айтганда, инсон шахс сифатида ижтимоий муносабатлар жараёнида шаклланади. Шарқ мутафаккирлари шахс камолотида қадриятларнинг ўрнига аҳамият берадилар. Бахт-саодат, яхши ахлоқ, илм, меҳнат самарадорлигига эришиш, шахс сифатидаги кадр-қиммати унинг ақлий қобилиятларини қай даражада ишга солишига боғлиқ<sup>2</sup> деган қарашларни илгари сурганлар.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: “Маънавият”, 2008, 17-бет.

<sup>2</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. –Т.: А.Қодирий номидаги “мерос” нашриёти, 1993, 182-бет.

Шунингдек, шахс маънавияти шаклланишида диний таълим ва тарбиянинг, диний кадрятларнинг аҳамияти катта бўлган. Диний таълимот асосида шаклланган ва вужудга келган ислом фалсафаси, хусусан, тасаввуф фалсафасининг комил инсон тарбияси хусусидаги ахлоқий қоидалари шахс маънавиятининг шаклланишига кучли таъсир кўрсатади.

Маънавий маданиятни шакллантириш учун энг аввало, халқимиз маданий меросидаги илмий билимлар, диний таълимотлар ва тарихан таркиб топган кадрятларни ўрганиш ҳамда уларнинг мазмунини бойитиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Халқимизнинг бой тарихий, диний ва миллий мероси шахс маънавий маданиятининг ўзига хос шаклланишида ҳам диний ҳам миллий хусусиятларнинг уйғунлигини таъминлашда асосий омил ҳисобланади. Ислом Каримов таъкидлаганидек, “халқнинг маданий кадрятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун кудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган”<sup>1</sup>. Шу нуқтаи назардан қараганда халқимизнинг бой маънавий маданий мероси тарихимизнинг ҳар бир босқичида ўзига хос шакланган. Ўзбек халқининг маданий мероси минг йиллар давомида яратилган. Марказий осийда қадимги даврда зардуштийлик, буддавийлик таълимотларининг халқимиз дунёқарашидан кенг ўрин олиши маънавий маданият шаклланишдаги дастлабки босқич ҳисобланади. Президентимиз ўзининг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” номли китобида, жаҳон майдонида куни кеча пайдо бўлган халқ эмасмиз. Бизнинг миллатимиз, халқимиз кўхна Хоразм заминида “Авесто” пайдо бўлган замонлардан буён ўз ҳаёти, ўз маданияти, ўз тарихи билан яшаб келади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса, ўзликни англаш мумкин эмас<sup>2</sup> - деб бежизга таъкидламаган эди.

Ўрта асрларда А.Н.Фаробий, А.Р.Беруний, Ибн Синоларнинг ижтимоий фалсафий қарашлари, Имом Бухорий, имом Термизий, имом

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қаролатлари.// Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998, 125-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: И.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. //Асарлар тўплами. Т.7. -Т.: “Ўзбекистон”, 1999, 137-138-бетлар.

Мотрудийларнинг исломий таълимотлари, Тасаввуф таълимотлари намоёндаларининг комил инсон тўғрисидаги қарашлари, Темур ва темурийларда Мирзо Улуғбек ва Али Қушчининг илмий, А.Навоий ва З.М.Бобурнинг адабий меросида, XVII-XIX асрларда Комил Хоразмий, Мунис Хоразмий, Огохий, Аҳмад Дониш, Муқумий каби бир қатор адиб ва олимларнинг ижодида халқимиз маънавий маданиятининг энг илғор намуналари ўз ифодасини топганлигини кўришимиз мумкин.

Уларнинг маънавий мероси асосида маънавиятни янада юқори поғонага кўтаришга ҳаракат қилинган. XIX асрнинг иккинчи ярмида ва XX асрнинг бошларида Туркистон жаҳид намоёндалари Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Чўлпон каби маърифатпарварлар маънавий баркамоллик ривожига катта ҳисса қўшганлар.

Миллий маънавий мерос муаммоси мамлакатимизда жамият учун ўта муҳимлилик касб этмоқда. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ, аجدодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоя улкан бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди.

Маънавий маданиятининг шаклланишида ҳар бир халқнинг миллий менталитети, давлатчилик тажрибаси, миллий ва диний мероси, илм-фани асосий мезон бўлиб хизмат қилади. Бизнингча, уларни қуйидагича ажратиб кўрсатиш мумкин.

**1. Миллий менталитет.** Маълумки фанда халқларнинг ақлий руҳий ҳолати, маънавий қиёфаси “менталитет” тушунчаси орқали ифодаланади. Ҳар бир халқнинг бошқа халқлардан ажратиб турадиган ақлий ва маънавий қиёфаси муайян тарихий шарт-шароит, маданий мерос, қолаверса табиий-иқлимий муҳит доирасида шаклланади. “Менталитет” миллатнинг характериға хос негизларни маънавий мерос, тарихий тажриба, урф-одат, марака-маросимларнинг яхлит умумлашган тизимини ташкил этади.

**2. Давлатчилик меросимиз.** Аввало шуни айтиш керакки, Ўзбекистон ҳудудида кўпчилик давлатлар учун хос бўлган соф миллий негиздаги давлатчилик ҳеч қачон бўлмаган. Шуни ҳам қайд қилиш керакки, соф миллий давлатчиликни таркиб топтириш учун ҳеч қандай ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ҳам бўлмаган. Чунки бу ҳудудда қадимдан кўплаб миллат ва элат вакиллари ҳаёт кечириб келган. Ўзбекистон заминида фақат ҳудудий негизлардаги давлатчилик ривожланиб келган. Албатта, шу асосда мамлакатимиз тараққиётида ўзининг бой меросига суяниши, маънавий юксакликка интилиши зарурдир.

Биз кўп бора халқимиз давлатчилик меросига, анъаналарига мурожаат қиламиз. Албатта бунинг сабаби бор. Чунки бугун ривожланаётган Ўзбекистоннинг маънавий, сиёсий, иқтисодий тараққиёти давлатчилик меросимиз билан узвий боғлиқдир. Биз давлатчилик меросимизни ўрганар эканмиз бу борада ҳуқуқий меросимизни ундан алоҳида ҳолда кўра олмаймиз. Миллий давлатчиликнинг асосларини мустақамлашда ҳуқуқий мерос алоҳида ўрин тутади. Миллий давлатчиликнинг маънавий-ҳуқуқий пойдевори жуда қадимий ва мустақамдир. У кўп минг йиллик тарихга эга. Қадимий Турон. Мавароуннаҳр, Туркистон ҳудудида равнақ топган давлатлар нафақат миллий маънавий маданиятнинг балки, жаҳон маданий тараққиётида ёрқин из қолдирганлар. Марказий осийда ислом дини билан боғлиқ ҳуқуқ тизими равнақ топгунига қадар ҳам зардуштийлик ва “Авесто”га асосланган ҳуқуқий қоидалар ҳаракатда бўлган. “Авесто” ўзига хос тарихий, маънавий, ахлоқий аҳамиятга эга бўлган таълимотдир. Шу маънода “Авесто” мамлакатимизда диний эътиқод нуқтаи назаридан эмас, балки юксак ахлоқий, маънавий, тарбиявий аҳамиятга эга маданий мерос намунаси сифатида ўрганилади.

**3. Исломий меросимиз.** Албатта ҳар бир халқ тарихий хотирасида, тарихий ва миллий онгида маълум бир динга мансублиги ҳам ўзига хос ўрин тутади. Халқимиз маънавий маданиятида жаҳон маданияти жумладан, Шарқ



маданиятининг ажралмас қисми бўлган ислом динининг ўрни катта. Ислом дини халқимиз маънавий маданияти тарихий негизи сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Чунки ислом дини ва анъаналари халқимизнинг миллий турмуш тарзи анъана ва қарашлари билан уйғунлашиб кетган. Президент И. Каримов таъкидлаганидек, “ислом дини – бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унитмайлик. У қуруқ ақидалар йиғиндиси эмас. Ана шу маърифатни кишиларимиз жон-жон деб қабул қиладилар. Меҳр оқибатли, номусли, ориятли бўлишга, иззат эҳтиром тушунчаларига риоя этишга ҳаракат қиладилар”<sup>1</sup>.

Тарихдан маълумки, ислом дини халқимиз маънавий маданиятининг устунларидан бири бўлган. Шунинг учун ҳам барча даврларда ислом динининг ривожига алоҳида эътибор қаратилган. Ислом инсонни фақат езгулик ва маърифат сари етаклаган. Бу борада ислом дини билан уйғунлашган. “Ислом динимизнинг муқаддас мероси – фалсафа илмийни, хусусан, Шарқ фалсафасини теран ўрганиш, шу асосда улуғ маданиятимиз ва қадриятларимиз илдизларини жонлантириш, яқин ўтмишимиздан қолган мафкурадан халос бўлиш, ўзимизнинг асрлар синовидан ўтган, улуғ аجدодларимиз бизга қолдирган миллий мафкура ва тафаккуримизни тиклаш, уни замонвий умумбашарий руҳ билан бойитиш ҳаммамизнинг долзарб вазифамиздир”<sup>2</sup>.

Инсонинг энг катта орзуси – бахтли яшашдир, дин инсонларни бахтли яшашга олиб борадиган имкониятдир. Бироқ у, ёвуз кучларнинг ниқобланган қуролига айланса, нафақат бир-икки киши орасида, балки бир неча халқлар ўртасида нифоқ пайдо бўлишига олиб келади. Халқаро ҳаётга назар солиб, бунинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бир сўз билан айтганда юксак маънавиятли комил инсонни тарбиялашда халқимиз маънавий маданиятининг ажралмас қисми бўлган ислом динининг ўрни каттадир.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. -Т.: “Ўзбекистон”, 1996, 40-бет.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. -Т.: “Ўзбекистон”, 1996, 260-бет.

**4. Илмий ва бадий меросимиз.** Халқимиз маънавий маданиятининг юксалишида бой илмий, бадий меросимизнинг ўрни жуда каттадир. Буни нафақат биз, балки дунё халқлари ҳам эътироф этиб келмоқда. Бу мерос ўз даврида қандай аҳамият касб этган бўлса, бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. “Ўтмишдаги алламоларнинг бебаҳо мероси қанчадан-қанча авлодларнинг маънавий-руҳий онгини ва турмуш тарзини шакллантирган эди ва у ҳамон таъсир кўрсатмоқда”<sup>1</sup>.

Шарқ мутафаккирлари ўз қарашларида тинчлик, осайишталик, адолат, меҳр-оқибат, биродорлик, ҳамкорлик каби эзгу ғоя ва умуминсоний маънавий қадриятларни ифодаланган. Юксак маънавиятли комил инсонни тарбиялаш қадимдан халқимизнинг эзгу орзуси бўлиб, А.Н.Фаробий, Ибн Сино, А.Р.Беруний, А.Навоий каби Шарқ мутафаккирлари асарларида, Тасаввуф таълимотида илгари сурилган илғор ғояларда ўз аксини топган.

Бугун биз мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, ижтимоий адолат қарор топган, инсонга инсондек яшаш муҳтини таъминлаб берувчи фуқаролик жамиятини барпо этяпмиз. Албатта бу мақсадга эришиш қисқа муддатда амалга ошадиган осон иш эмас. Бунинг учун мамлакатимиз ёшларининг тафаккур тарзини ўзгартириб боришимиз, уларни билимли, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ўрناق бўла оладиган, мухтасар қилиб айтганда, юксак маънавият ва маърифатга эга бўлган кишилар қилиб тарбиялашга эришишимиз зарур. Мана шуларни назарда тутган Ўзбекистон Республикаси Президенти 2006 йил 25 августда “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида” қарор қабул қилди. Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ижтимоий фанларга катта масъулият юклайди. Ўз табиатига кўра англаш, фикрлаш қобилиятига эга бўлган инсон қомилиққа эришиш учун курашиб яшашга даъват этилган. Бу инсон учун табиий – маънавий эҳтиёж, зарурият бўлиб, инсонда ўз-ўзидан

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.: “Ўзбекистон”, 1996, 42-бет.

шаклланиб, эркинликка айланиб, ижтимоий ҳаётда қарор топавермайди. Комилликнинг мазмунини, унга эришиш учун курашиб яшаш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи эканлигини, унинг ўзига англатиб қўядиган фанлар ижтимоий фанлардир. Хусусан, маънавий меросни ўрганмай туриб, миллий ғоянинг фалсафий асосларини тушуниш мумкин эмас. Бу, албатта, биздан миллий ғояни ёшлар онгги ва қалбига сингдириш жараёнида, унинг фалсафий асосларини яратишга ўзларининг улкан хиссаларини қўшган аجدодларимиз, бизга мерос қилиб қолдирган маънавий қадриятларнинг моҳият ва мазмунини очиб беришга ҳаракат қилиб боришни тақозо этади.

Шахс камолотини маънавийтсиз, маънавий маданий мероссиз тасаввур қилиб бўлмайди. Маънавийят ривожини эса кишилик жамиятининг олға интилишисиз англаб бўлмайди. Бири иккинчисига чамбарчас боғлиқдир. Бунинг учун эса ижтимоий жараёнларда ҳар бир инсон фаол бўлиши лозим. Ҳақиқий баркамол инсон ўз манфаатини халқ манфаатидан юқори қўймайди, ҳамиша элга ғамхўр бўлади. Инсондаги барча фазилатлар, қадриятлари ўз-ўзидан шаклланмайди, аксинча, кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларда намоён бўлади. Одамлар табиатан турлича бўлиши мумкин, шундайлари борки, қалби мисли дарёдек кенг, булоқ сувидек мусаффо, саҳоватли, мурувватли, одамохун, кек нималигини билмайди. Чунки уни ўраб олган муҳит шундай яхши ҳислатларга эга бўлган. Яна шундай тоифадаги одамлар ҳам борки, уларда худбинлик, фақат ўз манфаатини кўзлаш, панд бериш, кек сақлаш ҳам бўлади. Бундайлар маънавий қашшоқ инсонлар ҳисобланади. Маънавий етук инсонларни тарбиялаш хусусида биринчи юртбошимиз Ислом Каримов шундай деган эди: “Баркамол инсонни вояга етказиш учун энг аввало оила, маҳалла, жамият ва давлатнинг узвий ҳамкорлигини юқори поғонага кўтариш лозим. Оила — жамият асоси, маҳалла — миллий қадриятлар бешиги. Аҳил хонадонда, маърифатли маҳаллада, инсонпарвар

жамиятда зуққо йигитлар, оқила кизлар, умр бўйи элим деб ёниб яшайдиган комил фарзандлар улғаяди”<sup>1</sup>.

Маънавиятни, ахлоқ, одоб, инсонпарварлик, эзгулик, меҳр-мурувват каби инсоний фазилатларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Маънавиятнинг бош хусусияти ва вазифалари шахсда инсонпарварликни, миллатпарварликни, ватанпарварликни, эзгулик ва фидойилик каби ахлоқий нормаларни шакллантиришдир.

Одоб ахлоқ, инсонпарварлик Шарқ илми ва фалсафасида, жамият ва давлатни бошқаришда асосий мезон бўлиб келган. Конфуцийлик таълимоитни ўрганган олим В.Алимасов бу хусусда шундай ёзади: “Конфуцийликда жамият ва давлатни бошқариш инсон (подшоҳ, ҳукмдор, амалдор)нинг ўзини-ўзи ахлоқий-маънавий тарбиялашига, такомиллаштиришига боғлиқ деган гуманистик ғоя, ёндашув илгари сурилади. Ижтимоий-сиёсий институтларни эмас, айнан инсонни такомиллаштириш масаласи изланишлар марказига қўйилади”<sup>2</sup>.

Яхши хулқ, ахлоқ, одоб, эзгулик ва инсонпарварлик ҳақида «Авесто»да, Форобий, ал-Бухорий, ал-Термизий, Ибн-Сино, Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Хусайин воиз Кошифий, Алишер Навоий, Бобур, Сўфи Оллоёр, Машраб, Абдулла Авлоний асарларида қимматли фикрлар учрайди. Уларнинг илмий-назарий қиммати тадқиқотчилар томонидан ўрганилган ва юксак баҳоланган.<sup>3</sup>

Жамиятнинг маънавий тараққиёт жараёни **биринчидан**, халқимиз, миллатимиз яратган маънавий-ахлоқий қадриятларни, меросни ўзлаштиришга; **иккинчидан**, шахсни инсоний фазилатларини намоён этишга, жамиятда инсонпарварликни мустаҳкамлашда учрайди. Шу тариқа маънавий тараққиёт жараёнининг ўзи маънавий-ахлоқий фазилатлар, инсонпарварлик тарзида намоён бўлади. Бу эса уни, яъни маънавий тараққиёт

<sup>1</sup> Каримов И.А. Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммолари. - Т.: Ўзбекистон, 1997, 3-бет.

<sup>2</sup> Алимасов В. Конфуцийлик ва Шарқ давлатчилиги. -Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институт нашр. 2006, 53 -бет.

<sup>3</sup> Ўзбек педагогикаси антологияси (икки жилдли). I-жилд. -Т.: “Ўқитувчи”, 1995; Жумабоев Й. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан. -Т.: “Ўқитувчи”, 1997; Бобоев Ҳ., Ҳасанов С. «Авесто»-маънавиятимиз сарчашмаси. -Т.: “Адолат”, 2001 ва бошқалар.

жараёнини умуминсоний кадриятлар билан уйғунлашишга олиб келади. “Биз, - дейди Ислом Каримов, - миллий маданиятнинг ўзига хослигини тиклаш ва ривожлантиришга катта эътибор берар эканмиз, миллий юксалиш ва миллий тараққиёт жараёни жаҳон маданияти ғояларидан, умуминсоний кадриятлардан узилмаслигини назарда тутамиз. Ўзбек халқининг тарихи ва маданияти умумбашарий цивилизациянинг таркибий ва ажралмас қисмидир”.<sup>1</sup> Демак, жамиятнинг маънавий тараққиёти ахлоқийлик, инсонпарварлик фазилатларини намоён қилиш ва жамиятда уларни қарор топтириш орқали миллий ва умуминсоний тараққиётда узвийликни, уйғунликни, интеграциялашни таъминлайди. Энг муҳими, у шахсдаги энг эзгу, энг олижаноб ахлоқий-маънавий хислатларни намоён қилишга ва ривожлантиришга имкон беради.

Жамиятнинг маънавий тараққиёт, шахснинг маънавий дунёси ва шаклланиши каби мураккаб, баъзан зиддиятли кечадиган, ҳар доим ҳам бир мезон, меъёрлар билан ўлчанавермайдиган ҳодисалардир. Унинг намоён бўлиши ва шаклланиши ҳар доим ҳам шахснинг, ҳатто ижтимоий муҳитнинг ҳам ихтиёрига боғлиқ бўлавермайди.

Ҳар бир халқнинг урф-одати, кадриятлари мавжудки, ана шу халқнинг маънавий омили бўлиб хизмат қилади. Жумланидан, ўзининг бой тарихига эга бўлган халқимизнинг ҳам ўзига хос урф-одати, кадриятлари миллий менталитети доирасида шаклланган бўлиб, асрлар давомида маънавий кадрият сифатида авлоддан-авлодга ўтиб келади. Буни биз оилада мавжуд бўлган тарбиявий кўринишларда кузатишимиз мумкин. Бугунги кунимизда ҳам ўзининг янгича кўринишларида намоён бўлмоқда.

Бу хусусда биринчи юртбошимиз шундай деган эди: “... Келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор берилмаса, келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарсани аямаймиз. Маънавий ва ахлоқий покланиш иймон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат ва шу каби чинакам

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ЮНЕСКО ижроия кенгаши сессиясининг 155-яқунловчи мажлисида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи, 1998 йил 7 ноябрь.

инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди. Ҳаммасининг замирида тарбия ётади”. Бугунги ёшларни бузгунчи ғоялардан ҳимоялаш ана шу тарбиянинг марказий муаммосига айланади. Бу борада ота-боболаримиздан бизга тарбиявий мерос бўлиб келган урф-одатларимиз, қадриятларимизни ўрнини алоҳида таъкидлаш зарурдир. Шарқона миллий қадриятларимиздан бири фарзандларнинг ота-онага меҳрибон бўлиши, уларнинг барча айтган гапларини сўзсиз бажаришдир.

Ҳаётда шундай инсонлар ҳам учраб турадики, фарзандларини кечаю-кундуз меҳнат қилиб боқиб, вояга етказиб, уйли-жойли қилишади-ю, вақти келса ноқобил фарзандлар ота-онани боқиб қурби етмай қоладилар. Бу эса оилада маънавий муҳитни яхши йўлга қўйилмаганлигини, фарзандда ёшлигидан билим олиб хунар ўрганишга, меҳнат қилиб ўзини, оиласини, бола-чақасини боқиб, фарзанднинг ота-онага, қариндош уруғларига нисбатан бўладиган ҳурмат-иззат каби инсонийлик туйғулари шакллантирилмаганлигидан далолат беради. Қандай бўлмасин фарзанд тарбиясида урф-одатлар, миллий қадриятларга амал қилган ҳолда тарбиявий ёндошиш тақазо этилади. Халқимизда “эққанигни ўрасан” деган нақл бор. Ота-она тарбия жараёнида фарзандлари қалбига қандай уруғ эккан бўлса, кейинчалик аччиқ ёки чучук меваларни ўзлари татишади. Ота-она, фарзандлар ўртасидаги ишонч, ҳурматга асосланган муносабатлар – оила мустаҳкамлигининг яна бир кўринишидир.

Дарҳақиқат, миллий ва диний қадриятларнинг ахлоқий, ҳуқуқий жиҳатларини мустаҳкамлаш комил инсонни шакллантиришга, фуқаролик жамиятини яратишга хизмат қилади. Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир халқнинг тарихий шакланган ва ҳаёт синовларидан ўтган ўзига хос бетакрор мерослари мавжуддир. Маънавий мерос, миллий ва диний қадриятлар ижтимоий ҳаётда, шахс маънавий камолотида ўз ўрнини топиб, **биринчидан**, ўтган авлодлар яратган мерос сифатида етиб келган; **иккинчидан**, маънавий мерос илм, фан, кашфиётлар асосида бойиб борган; **учинчидан**, диний

кадриятлар муқаддас китобларга асосланган тарғибот орқали кишилар онги ва дунёқарашига ўрнашиб авлоддан-авлодга ўтиб келган.

Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Халқимизнинг асрлар оша яшаб келган анъаналари, урф-одатлари, тили ва руҳи негизига қурилган миллий мустақиллик мафкураси умуминсоний кадриятлар билан маҳкам уйғунлашган ҳолда келажакка ишонч туйғусини одамлар қалби ва онгига етказиши, уларни Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик руҳида тарбиялаши, ҳалолликни, мардлик ва сабр-бардошлиликни, адолат туйғусини, билим ва маърифатга интилишни тарбиялаш йўлида хизмат қилмоғи лозим”<sup>1</sup>. Ислом дини асрлар давомида халқимизнинг нафақат диний эътиқоди, балки турмуш тарзи, маънавиятининг таркиби қисмини ташкил этиб, миллий хусусиятларни, кадриятларни ривожлантиришга ҳисса қўшиб келган. Бугунги кунда янги фуқаролик жамияти қуришда ислом дини миллий тараққиётимизнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Жумладан, ислом дини билан боғлиқ а) қурбон ва рамазон ҳайитлари ва маросимчилиги асрлар давомида халқимиз онги ва шуури, турмуш тарзига шунчалик чуқур сингиб кетганки, кўп ҳолларда ҳайитлар миллий байрам деб қабул қилинади; б) бу диний байрамлар ва маросимчилик учун ислом таълимоти томонидан белгиланган талаблардан ташқари, ўзбек халқи бу маросимлар мазмунини маънавий-маърифий, ахлоқий кадриятлар билан бойитган; в) бу тантанали кунларнинг оилада, маҳаллада, жамоатчилик жойларида ўтказилиши ёш авлодни маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялашда, миллатига, Ватанига бўлган ҳурматини шакллантиришда катта аҳамиятга эга бўлган.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. 283-бет.

### **III. БОБ. ИСЛОМ КАРИМОВ МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШ ЗАМОН ТАЛАБИ ЭКАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА.**

#### **3.1 Маънавий баркамол инсон тушунчаси, унинг моҳияти.**

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримовнинг ҳар бир нутқи ва маърузалари, мақола ва асарларида юксак маънавият келажак пойдевори эканлигини қайта – қайта таъкидламоқда. “Зеро, -деб уқтиради Ислом Каримов, - биз жамиятимиз тараққиётининг фақатгина иқтисодий, ижтимоий фаровонлик билан эмас, халқимизнинг маънавий баркамоллиги, Демократик ва инсонпарварлик тамойилларини кишилар онгида нечоғлик чуқур илдиз отиши билан баҳолаймиз” .

Маънавий тарбия соҳасида кўзбўямачиликка йўл қўйиш ниҳоятда хатарли. Маънавият жамият ҳаётининг шундай бир нозик аҳамиятли соҳасики, бу борада хўжакўрсинга иш қилиш иқтисодий ва сиёсий соҳаларда кутилмаган турли инқирозларни келтириб чиқариши мумкин. Айниқса, бу соҳада ўзи бўларчилик ва лўттибозликка йўл қўйиб бўлмайди. Кишиларда, хусусан ёшларда янги маънавиятнинг шаклланиши анча мураккаб ва машаққатли жараён ҳисобланади. Буни амалга ошириш учун кенг кўламли маданий , тарихий, маърифий, тарбиявий ишларни амалга ошириш керак бўлади. Эски тузум шароитида таркиб топган маънавий инқирозга барҳам бериш, янгича тафаккурга эга бўлган инсонни шакллантириш мураккаб, муайян даврни талаб қилувчи, аста- секин амалга оширадиган жараён бўлганлиги сабабли тарихнинг бурилиш давларида жамият ҳаётида маънавий бўшлиқ ҳолатлари ҳам юзага келиши табиийдир. Бу бўшлиқ жамият учун иқтисодий, сиёсий инқирозга нисбатан анча хатарлироқ кечади. Бунга кейинги вақтларда юз берган мудҳиш воқеалар яққол мисол бўла олади. Шу сабабли тарихий бурилиш давларида объектив тарзда юзага келадиган бундай ҳолатларни чуқур англаб, уларга тўғри муносабатда бўлиш лозим. Мамлакатимиз раҳбарияти буни тўғри англаб, бундай ҳолатларнинг қалқиб юзага чиқишининг олдини фақат одамларимиз, авваламбор ёшларимизнинг иймон -



этиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларнинг ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш орқалигина олиш мумкинлигини, мустақиллик тафаккури , маънавиятини шакллантириш, мақсад, вазифа, воситалари йўллари излаб топиш, ҳаётга жорий этиш орқали ҳал этиш мумкинлигини таъкидлаб келмоқда . Зотан ёш мустақил мамлакатимизнинг келажаги учун маънавияти юксак, баркамол инсонлар зарур. Шунинг учун ҳам биринчи юртбошимиз “Юксак маънавият – келажак пойдевори” деган ҳикматли шиорни янада баландроқ кўтардики, юксак маънавият мустақилликни мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва такомиллаштириш учун муҳим ва зарурий тамойиллардан бири бўлиб қолди.

Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Руспубликаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз” номли маърузаларида қуйидаги фикрларига эътиборни қаратмоқ лозим: “Бу соҳадаги ишларимизнинг пировард мақсади – иймон этиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришдир. Яъни, мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо меъроси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс – комил инсонни тарбиялашдан иборат” . Бунда биз маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг: “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё момот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир” деган ўғитига амал қилишимиз зарур.

Маънавий баркамол инсон тушунчаси, унинг моҳияти.

Маънавий баркамол инсон – комил инсон тушунчаси билан ҳамоҳангдир. Айни вақтда маънавий баркамол инсон тушунчаси соғлом авлод тушунчаси билан ҳам боғланиб кетади. Илмий адабиётларда бу тушунчалар алоҳида-алоҳида ишлатилса-да, моҳиятан уларнинг ҳаммаси инсон ахлоқи ва одобини, уларда шаклланган барча ижобий ҳислатларни, уларнинг инсонларга, жамиятга ва Ватанга бўлган муносабатларидан тортиб, токи оилага, ота – онага ва бошқаларга муносабатларининг барча қирраларини қамраб олади.

биринчи Президентимиз эркин фуқаро, озод шахс, баркамол инсон ҳақида гапириб, қуйидаги тўрт жиҳатга эътиборни қаратди, яъни ҳар бир фуқаро :

-- ўз ҳақ- ҳуқуқини танийдиган бўлсин , бунинг учун курашсин ;

-- ўз кучи ва имкониятларига таянадиган бўлсин, имкониятларини ишга солиб , самарасини кўрсин;

-- атрофида содир бўлаётган воқеа - ҳодисаларга мустақил муносабат билдира олсин;

-- шахсий манфаатини мамлакат ва халқ манфаати билан уйғун ҳолда кўриб , фаолият юритсин .

Бўлар баркамол инсон фазилатлари ҳақидаги аниқ ва тўлиқ таърифдир.

Маънавий- маърифий баркамолликнинг қирраларидан бири миллий ифтихордир. Миллий ғурур бу миллий ифтихордир. Миллий ғурур ўз халқининг бир нача минг йиллар давомида яратиб келган барча моддий ва маънавий бойликлари , тарихий меъроси, урф – одатлари , анъаналари, одоб – ахлоқи, турмуш тарзи, юксак маънавияти, барча тарихий ютуқлари ва сабоқларига чексиз ҳурмат ва эъзоз билан муносабатда бўлиш, авайлаб - асрашдир.

Ўз халқининг тарихини, миллий қадриятларини, тилини, истиқбол манфаатларини билмаган, қадрламаган, миллий мансублигини унутган, ўз миллатининг истиқболи учун қайғурмайдиган, курашмайдиган кишиларда миллий ғурур ҳам, миллат билан фахрланиш ҳам, миллатарварлик ҳам бўлмайди. Бундай кишиларни маънавий баркамол инсон дея олмаймиз.

### 3.2 Комил инсон унинг шарқона фазилатлари.

Комил инсон тушунчаси маънавий баркамол инсон тушунчаси билан ҳамоҳангдир. Маънавий баркамолликка эришмай комил инсондаражасига етиш мумкин эмас. Демак, маънавий баркамолликка интилиш - бу комил инсон даражасига эришиш учун интилишдир. Комилликка инсон бутун умри давомида эришиб боради. Учала тушунча: соғлом авлод, маънавий баркамол, комил инсон-даражама-даража чуқур маъно касб этади. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, комил инсон бўлишнинг аниқ чеки ва чегараси йўқ. Бизнинг кўхна тарихимизда юзага келган, халқ, мамлакат тарихида катта маънавий - ахлоқий тарбия ролини ўйнаган тасаввуф комил инсон назарияси ҳақидаги, уни тарбиялаш, вояга етказиш ҳақидаги таълимот ва амалиёт саналади.

Комил инсон биз учун идеалдир. У барча дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган, руҳи мутлоқ руҳга туташ, файзу каромати сероб, қалби эзгу туйғуларга лиммо-лим тўла покиза зот. Комил инсон одамзод орзу қилган жамики эзгу ҳислатларнинг ифодачиси.

Комил инсон ҳақида тасаввуф адабиётида кўп асарлар битилган. Ана шундай кишилардан бири XIII асрда яшаган Азизиддин Насафий бўлиб, “Инсонни комил” номли рисоласида комил инсонга таъриф бериб шундай ёзади: “Билгилки, комил инсон деб шарият ва тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда қуйидаги тўрт нарса камолатга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф”. Бу сифатлар билан зийнатланган одам ёлғон, риё, ва бадкирдорликдан чекинади, ҳамма вақт эзгу ният билан яшаб, эзгу ишларга тайёр туради.

Комилликнинг белгиси ҳақ йўлидан бориб, халққа фойда келтиришдир. Киши ўз сўзи, амалий ишлари, нияти билан қанчалик одамларга фойда

келтирса, ёмонларни тўғри йўлга солса, ҳақ йўлида фидо бўлса, у шунча комил бўлади.

Комил баркамол инсонни тарбиялаш, вояга етказиш ҳақида мусулмон Шарқи ахлоқи тарихида инсон ҳаёти учун дастуруламал, қўлланма вазифасини ўтаган кўп пандномалар, халқ китоблари мавжуд бўлган. Шулардан баъзиларини санаб ўтамиз. Чунончи, Кайковуснинг “Қобуснома”, Саъдийнинг “Гулистон”, “Бўстон”, Амир Темурнинг “Темур тузуклари”, Алишер Навоийнинг “Маҳбубўл-қулуб”, Хусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи муҳсиний” ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин. Бу асарларнинг кўпчилигида одил шоҳ ва адолат, ҳалоллик, софлик, поклик, тўғрилиқ, ростгўйлик, инсонпарварлик, маърифатли бўлиш каби инсоннинг шарқона фазилатлари берилган.

Комил инсон ва эътиқодилиқ, ҳалоллик ва покликнинг олий тимсоли. Биз ҳаммамиз шунга интилиб яшамоғимиз лозим. Мустақил Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш шароитида иймонли бўлиш, ҳалоллик ва поклик, виждонли ва диёнатли бўлиш нечоғлик зарур эканлиги ҳаммамизга аён. Мана шунинг учун ҳам биринчи Президентимиз маънавий баркамол инсон тарбиясида ёшларимизни элини, ватанини севувчи комил инсон қилиб тарбиялаш ишига алоҳида аҳамият бериб келаётир. Ислон Каримовнинг қуйидаги таърифида комил инсоннинг асосий хусусиятлари ҳар томонлама чуқур ва теранлик билан баён қилиб берилганлиги диққатга сазовордир: “Комил инсон деганда, -деб ёзади Ислон Каримов,- биз аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ атори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз”.

Юқоридагиларни ҳозирги мустақил ҳаётимиз, турмуш тарзимиз, кишиларнинг, айниқса, ёшларнинг интилишлари билан боғлаб комил инсон чизгиларига қуйидаги ҳислат ва фазилатлар киришини умумий тарзда баён этишимиз мумкин:

Комил инсоннинг умумий ҳислатлари: ёқимлилик, кўркамлик, жозибадорлик, салобатлилик, ҳурматга сазоворлик, шоироналик, улуф сифатлик, ўзига хослик, етуклик, жиддийлик, маданиятлилик, тарбияланганлик ва бошқалар;

Комил инсоннинг ахлоқий фазилатлари: инсонпарварлик, дўстлик, ғамхўрлик, жонкуярлик, самимийлик, одамийлик, болажонлик, иймонлилик, фидокорлик, хушмуомалалик, боадаблик, илтифотлилик, кечиримлик, меҳмондўстлик, ҳалоллик, тўғрилик, диёнатлилилик, ҳаромдан ҳазар этиш, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик ва ҳоказолар;

Ишбилармонлик ҳислатлари: ишчанлик, тиришқоқлик, серҳаракатлилик, масъулиятлилик, инсофлилик, ҳалоллик, малакалилик, эпчилик, уддабуронлик, саранжом-саришталик, тадбиркорлик, аниқлик, тежамкорлик, баркамоллик, таъмасизлик, таваккалчилик ва бошқалар;

Зукколик, идроклилик фазилатлари: зеҳнлилик, баъманилик, хотиржамлик, соғлом фикрлилик, донишмандлик, сезгирлик, заковатлилик, топқирлик, нотиқлик, танқидийлик, дадиллик, омилкорлик, саводхонлик, қизиқувчанлик, ишқибозлик кабилар;

Собитлик ҳислатлари: фаоллик, қатъиятлик, тезкорлик, жўшқинлик, саботлилик, бир сўзда туришлик, барқарорлик, ботирлик, довюраклик, интизомлилик, жиддийлик, нафсни тийишлик, ўзини йўқотмаслик, совуққонлик, ўзига талабчанлик, камсуқимлик, ўзини-ўзи идора эта билиш ва бошқалар;

Эҳтирослилик ҳислатлари: кўтаринкилик, тантанаворлик, кулиб турувчанлик, хазинлик, келажакка ишонч, эзгулик, олийжаноблик, ифбатлилик, оташинлик, нозик табиатлилик, хаёлилик, хижолатпазлик, ва хоказолар.

Бизнингча, айти шу ҳислат ва фазилатларни ёшларимиз онгига сингдира борилиши уларни баркамол, соғлом ва комил инсон руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

## ХУЛОСА

Мустақиллик йилларида халққа унинг маънавий ва маданий бойликларини қайтариш борасида кўплаб ишлар қилинмоқда. Ислом Каримов асарларидаги ҳар бир соҳага талукли бўлган мукамал, изоҳли фикрларини мавжудлиги жамият ҳаётидаги қонунларни асосланиши билан белгиланган. Маънавият жамият тараққиёти миллат камолоти ва шахс баркамоллигини белгилаб берувчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади, чунки маънавият ривожлангандагина жамиятда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик вужудга келади ҳамда мамлакат ва миллат тараққий этади. Бу ўз навбатида шахснинг баркамол ривожланиши учун зарур бўлган замин бўлиб хизмат қилади. Буни чуқур ҳис қилган ва ўз қалбидан ўтказган биринчи Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг она заминимизда Демократик жамият қуришнинг назарий концепциясини ишлаб чиқар экан, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни қайта қуришни миллий маънавий тикланиш билан уйғун ҳолатда бўлиши кераклигини илмий жиҳатдан асослаб берди. У ўзининг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлоли ва тараққиёт йўли” номли асарида мустақилликдан кейин Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавият соҳасидаги стратегик вазибаларини ҳам белгилаб берди.

Ислом Каримов ушбу асарида мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий- ахлоқий негизларини белгилаб берар экан, “Ўзбекистоннинг янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланади”- деб кўрсатади ва қуйидагиларни белгилаб беради, умуминсоний кадриятларга содиқлик; халқимизнинг маънавий меъросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш; инсоннинг ўз имкониятини эркин намоён қилиши; ватанпарварлик. Ислом Каримов шундай ёзади: “Мустақил Ўзбекистоннинг куч қудрат манбаи-халқимизнинг умуминсоний кадриятларга содиқлигидир. Халқимиз адолат тинчлик аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб-асраб

келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш заминимизда тинчлик ва Демократия, фаровонлик, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топиши учун зарур шарт - шароитлар яратишдир.”<sup>1</sup>

Ислом Каримов асарида мамлакатимизда миллий маънавиятни тиклаш ва ривожлантириш давлат сиёсатида устувор вазифа эканлигига эътибор қаратиб қуйидаги концептуал ғояни илгари суради. У шундай ёзади: “Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак дейдиганлар ҳақ бўлмаса керак. маънавият- инсоннинг, халқнинг, жамият, давлатнинг куч қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди. Биринчи Президентимиз томонидан илгари сурилган бу концептуал ғоянинг назарий ва амалий аҳамияти шундаки:

**Биринчидан** бу билан муаллиф собиқ шўролар даврида маънавиятни ривожлантиришга 3 -даражали омил сифатида қаралишининг ижтимоий – сиёсий; иқтисодий ва маънавий-маърифий инқирозининг ҳам сабабларини кўрсатиб беради.

**Иккинчидан** маънавиятни ривожлантирмасдан, шахснинг маънавий - руҳиятини ўзгартирмасдан туриб жамиятда кўзланган мақсадни амалга ошириш мумкин эмаслигига эътиборини қаратган. Биринчи Президентимизнинг яна бир муҳим концептуал ғояси маънавият шахснинг энг муҳим мезони ва шунинг билан бирга уни камолотга элтувчи, ўз-ўзини англлатувчи ва имкониятларини юзага чиқарувчи улкан омил эканлигини илмий асосланганлигидир.

Ислом Каримовнинг миллий- маънавий тикланишга бағишланган концепциясида ватанпарварликнинг шахс маънавиятининг ажралмас қисми эканлигини асослаб бериш алоҳида ўринни эгаллайди. Ҳақиқатдан ҳам ўз ватанини севмаган унинг ҳар бир қарич ери учун масъуллигини ҳис этмаган ҳар бир инсон маънавий жиҳатдан қашшоқ ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Каримов И. Ўзбекистон Миллий истиқлол ,иқтисод,сиёсат ва мафкура. Тошкент. Ўзбекистон 1993 й 74-бет

Биринчи Президентимиз мазкур асарида миллий-маънавий тикланиш вазифасини амалга оширишга бағишланган концепцияларни ўзининг бошқа асарларида ижодий ривожлантирган, тараққиётимизнинг янги босқичида юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш эҳтиёжларига мос равишда унинг янги йўналишларини белгилаб берган.



## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир”, Т. “Маънавият” 2015.
2. Каримов И.А “Юксак маънавият энгилмас куч”, Т. “Маънавият” 2009.
3. Каримов И.А “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт куриш провард мақсадимиз”, Т. Ўзбекистон 2000.
4. Каримов И.А “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, Т.: Шарқ 1998 йил
5. Каримов И.А. “Маънавий юксалиш йўлида” Т, “Ўзбекистон”
6. Каримов И.А “Юксак маънавиятсиз ҳаёт йўқ ” 1996 йил 4 сентябрда сўзлаган нутқи.
7. Каримов И.А “Ватан озодлиги олий саодат ” Т. “Ўзбекистон”, 1999 йил
8. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: “Ўзбекистон”, 1992.
9. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. –Т.: “Ўзбекистон”, 1994.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
11. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. Т.: “Ўзбекистон”, 1996.

12. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. –Т.: “Ўзбекистон” 1997.
13. Каримов И.А. Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммолари. Т., „Ўзбекистон“, 1997.
14. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
15. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: “Шарқ”, 1998.
16. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008.
17. Каримов И.А. ЮНЕСКО ижроия кенгаши сессиясининг 155-яқунловчи мажлисида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи, 1998 йил 7 ноябрь.
18. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори Тошкент 1997 йил
19. Каримов И.А “Миллий истиқлол мафкураси –халқ этиқоди ва буюк келажакка ишончидир”, Т. Ўзбекистон 2000
20. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 1-жилд – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1992.
21. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993
22. Алишер Навоий. Асарлар. Хамса. Ҳайрат-ул-аброр. – Т.: Ўздавнашр, 1965.
23. Алиқулов Ҳ. Гуманистик мерос ва шахс маънавий камолоти. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2006.
24. Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1992
25. Бегматов А. Маданият фалсафаси ёхуд Ислом Абдуғаниевич Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. – Т.: “Шарқ”, 2000.
26. Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Беруний А.Р. Танланган асарлар. 1-жилд. – Т.: “Фан”, 1968.

- 27.Бобоев Х., Ҳасанов С. «Авесто»-маънавиятимиз сарчашмаси. -Т.: “Адолат”, 2001.
28. Жумабоев Й. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан. -Т.: “Ўқитувчи”, 1997.
- 29.Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
- 30.Имомназаров И. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. –Т.: “Маънавият”, 1998.
- 31.Йўлдошев Ф., Ҳайдаров О. Маънавий мерос ва ёшлар тарбияси // Гулистон. – Т.: 1999. – №5;
- 32.Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. –Т.: “Ўзбекистон”, 1998;
- 33.Маҳмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. – Т.: “Шарқ”, 2001.
- 33.Фалсафа қомусий луғат. – Т.: “Шарқ”, 2004.

## ХУЛОСА

Мустақиллик йилларида халққа унинг маънавий ва маданий бойликларини қайтариш борасида кўплаб ишлар қилинмоқда. Ислон Каримов асарларидаги ҳар бир соҳага талукли бўлган мукамал, изоҳли фикрларини мавжудлиги жамият ҳаётидаги қонунларни асосланиши билан белгиланган. Маънавият жамият тараққиёти миллат камолоти ва шахс баркамоллигини белгилаб берувчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади, чунки маънавият ривожлангандагина жамиятда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик вужудга келади ҳамда мамлакат ва миллат тараққий этади. Бу ўз навбатида шахсининг баркамол ривожланиши учун зарур бўлган замин бўлиб хизмат қилади. Буни чуқур ҳис қилган ва ўз қалбидан ўтказган Президентимиз Ислон Каримов мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг она заминимизда Демократик жамият қуришнинг назарий концепциясини ишлаб чиқар экан, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни қайта қуришни миллий маънавий тикланиш билан уйғун ҳолатда бўлиши кераклигини илмий жихатдан асослаб берди. У ўзининг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлоли ва тараққиёт йўли” номли асарида мустақилликдан кейин Ўзбекистонни

ривожлантиришнинг маънавий соҳасидаги стратегик вазифаларини ҳам белгилаб берди.

Ислом Каримов ушбу асарида мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий- ахлоқий негизларини белгилаб берар экан, “Ўзбекистоннинг янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланади”- деб кўрсатади ва қуйидагиларни белгилаб беради, умуминсоний кадриятларга содиқлик; халқимизнинг маънавий меъросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш; инсоннинг ўз имкониятини эркин намоён қилиши; ватанпарварлик. Ислом Каримов шундай ёзади: “Мустақил Ўзбекистоннинг куч қудрат манбаи-халқимизнинг умуминсоний кадриятларга содиқлигидир. Халқимиз адолат тинчлик аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш заминимизда тинчлик ва Демократия, фаровонлик, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топиши учун зарур шарт - шароитлар яратишдир.”<sup>1</sup>

И. Каримов асарида мамлакатимизда миллий маънавийтни тиклаш ва ривожлантириш давлат сиёсатида устувор вазифа эканлигига эътибор қаратиб қуйидаги концептуал ғояни илгари суради. У шундай ёзади: “Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавий тўғрисида ўйлаш керак дейдиганлар ҳақ бўлмаса керак. маънавий- инсоннинг, халқнинг, жамият, давлатнинг куч қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди. Президентимиз томонидан илгари сурилган бу концептуал ғоянинг назарий ва амалий аҳамияти шундаки:

**Биринчидан** бу билан муаллиф собиқ шўролар даврида маънавийтни ривожлантиришга 3 -даражали омил сифатида қаралишининг ижтимоий – сиёсий; иқтисодий ва маънавий-маърифий инқирозининг ҳам сабабларини кўрсатиб беради.

---

<sup>1</sup> Каримов И. Ўзбекистон Миллий истиқлол ,иқтисод,сиёсат ва мафкура. Тошкент. Ўзбекистон 1993 й 74-бет

**Иккинчидан** маънавиятни ривожлантирмасдан, шахснинг маънавий - руҳиятини ўзгартирмасдан туриб жамиятда кўзланган мақсадни амалга ошириш мумкин эмаслигига эътиборини қаратган. Президентимизнинг яна бир муҳим концептуал ғояси маънавият шахснинг энг муҳим мезони ва шунинг билан бирга уни камолотга элтувчи, ўз-ўзини англлатувчи ва имкониятларини юзага чиқарувчи улкан омил эканлигини илмий асосланганлигидир.

И.Каримовнинг миллий- маънавий тикланишга бағишланган концепциясида ватанпарварликнинг шахс маънавиятининг ажралмас қисми эканлигини асослаб бериш алоҳида ўринни эгаллайди. Ҳақиқатдан ҳам ўз ватанини севмаган унинг ҳар бир қарич ери учун масъуллигини ҳис этмаган ҳар бир инсон маънавий жиҳатдан қашшоқ ҳисобланади.

Президентимиз мазкур асаарида миллий-маънавий тикланиш вазифасини амалга оширишга бағишланган концепцияларни ўзининг бошқа асарларида ижодий ривожлантирган, тараққиётимизнинг янги босқичида юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш эҳтиёжларига мос равишда унинг янги йўналишларини белгилаб берган.